

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**(Кўлёзма ҳуқуқида)
УДК: 371.035 (071.2)**

ЖУМАНОВА ЗАРИФА РАСУЛЖОНОВНА

**«ШАХСНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ БАРКАМОЛ
ТАРБИЯ ҒОЯСИ»**

Мутахассислик: 5A141602- Бошланғич таълим бўйича

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Ҳимояга тавсия этаман
Магистратура бўлими бошлиғи
_____ Н.А.Муслимов

« _____ » июнь 2009 й.

“Бошланғич таълим ва тарбиявий
ишлар методикаси” кафедраси
муdiri _____

п.ф.д. профессор. Р.А.Мавлонова

Илмий раҳбар _____

п.ф.д. профессор. Р.А.Мавлонова

Тошкент – 2009

МУНДАРИЖА

КИРИШ	2
1 боб Мустақил Ўзбекистонда шахсни ривожлантиришнинг илмий педагогик асослари	9
1.1. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш-баркамол тарбия ғоясининг асоси.....	9
1.2. Ватанпарварлик – баркамол тарбия ғоясининг асосий негизи.....	21
1.3 Баркамол тарбиянинг моҳияти ва тарихий асослари.....	28
Биринчи боб бўйича хулоса.....	39
2 боб Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда баркамол тарбия ғоясидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари	42
2.1. Ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия ғоясининг хусусиятлари.....	42
2.2. Ўқувчиларда миллий онгни шакллантириш баркамол тарбия ғоясининг асосидир.....	51
2.3. Бошланғич таълим жараёнида шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда баркамол тарбия ғоясидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари.....	62
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	71
Умумий хулоса ва тавсиялар	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	76
Илова	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий йўналишларини ривожлантиришда ва демократик, инсонпарварлик жамиятини қуришда халқ таълим босқичи иш фаолиятини юқори даражага кўтариш муҳим аҳамият касб этади. Чунки келажагимизнинг тақдири ҳозирги кунда бошланғич таълим босқичи мактабларида илм олаётган болаларнинг тарбиясига боғлиқдир.

Албатта бунда баркамол тарбия ғояси муҳим аҳамиятга эга. Чунки, баркамол тарбия ҳар бир шахснинг ақл-идроқини ўстириш, маърифат зиёсидан бахраманд қилиш, умумбашарий кадриятлар руҳида шакллантириш воситасини ташкил этади. Бунинг учун аввало ўқитувчининг ўзи ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак. Бу унинг зиммасига жуда катта маъсулият юклайди. Демак, бугунги ўқитувчи таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, таълим-тарбия жараёнини юқори даражага кўтаришда фаол иштирок этиш билан бирга ўқувчилар шахсни шакллантириш баркамол тарбия ғоясини амалга оширишда ўз педагогик маҳоратини намоён этади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, шахсни ҳар томонлама шакллантириш дастлаб оилада, бошланғич таълим босқичида билим олаётган болаларда шаклланади. Бошланғич таълимнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчи дунёқараши, баркамол тарбияси шунчалик ривожланади, камол топади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуғаниевич Каримов «...болаларни дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар бириктириб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади. Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак? Бола 1-4 синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим? Унинг тарбияси қандай бўлиши керак? Шу масалаларга жавоб топишимиз зарур.

Яна бир муҳим савол.

Норасида боланинг мияси, онги нимани ўзига сингдира олади, нимани қабул қилмайди? Ким бу масалани илмий жиҳатдан тадқиқ қилган?

Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий кадриятларимиз, урф-одатларимизни ўргатишимиз, чуқур англантишимиз керак?»^[5] деган саволлар билан ўқитувчилар, олимларнинг фикрлари бир қанча муаммоларни ечимига қаратган эди.

Шундай экан, бошланғич таълим мазмунини такомиллаштириш билан бирга унинг шахсини ривожлантириш, кичик ёшдаги ўқувчиларни миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш баркамол авлодни вояга етказишда долзарб муаммолардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақиллиги туфайли бошланғич таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Миллий ва маънавий кадриятлар асосида янги дастурлар, тавсиялар, қўлланмалар тузилди. Мустақил республикада кичик ёшдаги ўқувчиларни янги талаб асосида ўқитиш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилди. Бошланғич таълим бўйича давлат таълим стандарти, бошланғич таълим концепцияси яратилди.

Муаммонинг ишланганлик даражаси: Шахсни шакллантириш, баркамол авлодни вояга етказишга Марказий Осиё мутафаккирлари катта эътибор берганлар. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий каби мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий каби маърифатпарварларнинг асарларида шахс камолоти масалалари алоҳида таъкидланган. Бу йўналишда фалсафа, педагогика, психология, адабиёт, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари каби ижтимоий фанлар соҳасидаги олимлар бир қанча илмий тадқиқот ишларини бажарганлар. И.Мўминов, Т.Маҳмудов, Ж.Туленов, С.Шермухамедов, Э.Юсупов, З.Ғофуров, Х.Шайхова, М.Холметова, Ф.Исмоилов, М.Имомназаров каби файласуф олимлар инсон маънавиятини шакллантириш ва тарбиялаш муаммоларини илмий назарий жиҳатдан ишлаб чиққанлар.

Педагогика назариясини такомиллаштиришга хисса қўшган олимлардан М.Очилов, Ҳ.Ибрагимов, М.Иномова, С.Нишонова, М.Қуронов, У.Маҳкамов, Г.Анартаеваларнинг илмий тадқиқот ишларида узликсиз таълим тизимида, оилада шахсни тарбиялашнинг у ёки бу муаммолари ёритилган.

Шуни айтиш керакки, бошланғич таълим муаммоларини ечиш, уни назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш доимо долзарб бўлиб келган. Шунинг учун ҳам Қ.Абдуллаева, Б.Адизов, Р.Мовлянова, М.Ҳайдаров, Т.Ҳасанов, О.Хасанбоева кабиларнинг илмий асарларида бошланғич таълим мазмуни, кичик ёшдаги ўқувчиларни меҳнат, ахлоқий тарбиялаш, онгли интизом, дўстлик, ўртоқлик кабилар назарий жиҳатдан ёритилган. Х.Бобомирзаев, У.Ражабовларнинг диссертацияларида бошланғич синф ўқувчиларини халқ оғзаки ижодини ўрганиш асосида тарбиялаш муаммолари педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Бугунги кунда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларида одамларга меҳр – муҳаббат билан қараш, уларни хурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш баркамол тарбия ғоясининг асосий негизини ташкил этади. Адабиётларни ўрганиш ва бошланғич таълим иш тажрибасини кузатишдан шу нарса маълум бўладики, кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсни шакллантириш, уларни баркамол тарбиялаш ишлари етарлича ҳал этилмагани муаммо бўлиб келмоқда. Ана шу муаммони назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш мақсадида магистрлик тадқиқот мавзусини; «Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш-баркамол тарбия ғояси» деб белгиладик.

Тадқиқот мақсади -кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда баркамол тарбия ғояси мазмуни, шакл ва методлари, тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти -кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсни ривожлантиришда баркамол тарбия жараёни.

Тадқиқот предмети –кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини ривожлантиришда баркамол тарбия фаолияти.

Тадқиқотнинг илмий фарази.

Бошланғич таълим мазмуни демократия, миллий ва умуминсоний кадриятлар;

Ўқувчи шахсини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари шарқона ва дастур, режа асосида ташкил этилса;

Дарс ва дарсдан ташқари жараёнда кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини ривожлантириш тизими ишлаб чиқилса баркамол тарбия ғояси самарали натижа беради.

Тадқиқотнинг мақсади ва илмий фаразига асосланиб қуйидаги вазифалар белгиланди:

- 1.Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини ривожлантиришда-баркамол тарбия педагогик муаммо эканлигини назарий жиҳатдан асослаш.
- 2.Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини ривожлантиришда баркамол тарбия хусусиятларини ишлаб чиқиш.
- 3.Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини ривожлантиришда баркамол тарбия – шарт шароитларини аниқлаш.
- 4.Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини ривожлантиришни таъминлайдиган шакл ва методлар, воситалари тизимини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва тажрибада текшириш.

Тадқиқотнинг методологик асоси. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Президент И.А.Каримовнинг таълим-тарбия ҳақидаги асарлари ва нутқлари, Миллий истиқлол ғояси; асосий тушунча ва тамойиллар концепсияси, Ўзбекистон давлатининг миллий ва маънавий кадриятлари ҳақидаги фармонлари, ҳукуматимизнинг умумий ўрта таълим ҳақидаги қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги

ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Қонунлари, Ўрта Осиё мутафаккирларинг инсон тарбияси ҳақидаги фикрлари, баркамол авлод тарбиясига оид фалсафий, психологик, педагогик таълимотлар, мавзуга тегишли илмий – педагогик, методик манбаларни ташкил этади.

Тадқиқот методлари: - шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда, баркамол тарбия ғояси мавзусига оид фалсафий, педагогик, психологик, методик адабиётлар ва бошланғич таълим дастурлари, ҳужжатлари, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; педагогик кузатув;

- суҳбат, анкета, кузатиш, олинган маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш;

- математик ва статистик таҳлил ва тадқиқот натижаларини умумлаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва назарий аҳамияти қуйидагиларда ўз аксини топган;

- шахсни шакллантиришда баркамол тарбия мазмуни ва моҳияти илмий асослаб берилди;

- бошланғич таълим босқичи ўқувчи шахсни ривожлантиришда баркамол тарбия омилларини аниқлаш;

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсни ривожлантиришда баркамол тарбия ғоясининг роли кўрсатилди;

- бошланғич таълим босқичи синф ўқувчи шахсини ривожлантиришда баркамол тарбия шарт-шароитлари, тизими уни ўқув тарбия жараёнида амалга ошириш тавсиялари ишлаб чиқилди;

- ишлаб чиқилган услубиятнинг педагогик самараси «Ўқиш» «Одобнома» ўқув фани бўйича тайёрланган, дарс ишланмалари тажриба синов ишлари синфларда текшириб кўрилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган умумпедагогик ва методик тавсиялардан бошланғич таълим педагогикаси, педагогика фанлари бўйича маърузалар тайёрлаш,

қўлланмалар яратиш, шунингдек таълим, тарбиявий жараёнида самарали фойдаланиш мумкин.

Шунингдек бошланғич таълим бўйича методик тавсиялар, қўлланмалар, шахс тарбиясига оид илмий назарий маърузалар тайёрлашда, бошланғич синф ўқувчи шахсини тарбиялаш ишларини такомиллаштиришда, иш тажрибаларини оммалаштиришда, тарбиявий ишларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар: - кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини ривожлантиришда баркамол тарбия ғоясига тизимли ёндошиш;

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия ғоясига доир илмий-педагогик усулларни ишлаб чиқиш.

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия мезонлари ва андозасини яратиш;

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия шакл ва методлари ҳамда самарадорликка эришиш йўлларини таъминлаш;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва асосланганлиги:

Тадқиқотнинг мақсади, вазифаси, объект ва предметига мос методлар танланди; назарий қоидалар амалиёт натижаларига боғланди; бошланғич таълим босқичи ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия усуллари, шакллари, йўллари ва воситалари мажмуи яратилди; тажриба-синов гуруҳларида ўқувчи шахсини шаклланганлигида баркамол тарбия ғояси бўйича олиб борилган педагогик тажриба-синов натижалари асосида тасдиқланди ва тадқиқотчининг шахсан иштирок этиши билан ўз ифодасини топди.

Тадқиқот босқичлари:

I – босқичда (2007-2008 й.й.) да изланаётган муаммо бўйича Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқ ҳақидаги асарлари, педагогик –

психологик ва илмий оммабоп адабиётлари ўрганилди. Бошланғич таълим дастурлари, методик адабиётлар, ҳужжатлар таҳлил қилинди. Иш тажрибалар билан танишилди. Илмий тадқиқотнинг назарий асослари, ҳолати аниқланди, тадқиқот ишининг дастури ва методлари ишлаб чиқилди. Мактабларда кичик ёшдаги ўқувчи шахсини ривожлантиришда баркамол тарбия ҳолати тажрибалари умумлаштирилди.

II – босқич (2008-2009 й.й.)да бошланғич синф ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия ҳақидаги иш тажрибалари таҳлил қилинди, эксперимент ишлари ўтказилди. Кузатишлар ва чиқарилган таҳлилларга асосланиб методик тавсиялар тайёрланди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия машғулоти ишлаб чиқилди. Ишнинг натижалари амалиётда синая кўрилди. Илмий тадқиқот ишлари Тошкент шаҳридаги 10 мактабда, амалга оширилди.

1 боб. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ШАХСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш-баркамол тарбия ғоясининг асоси.

Ўзбекистон ўз мустақилликка эришгандан кейин жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор бериш, баркамол тарбия ғоясини шакллантириш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига кўйиди.

Шу сабабли ҳам мустақил Ўзбекистонда маънавийтни юксалтириш, маънавий тарбиявий ишларни мунтазам амалга ошириш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланиши билан бирга баркамол тарбия ғояси асосий мақсадга айланди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ташкил этилиши, таълим ва тарбия ишларини янги концепциясининг ишлаб чиқишнинг маъно-моҳияти шахсни ҳар томонлама шакллантиришда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ва ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ислом Каримов бу борадаги асосий вазифаларни белгилаб, қуйидаги фикрларни айтган эди: «Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар давомида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўстиришдан, халқни маънавий сарчашмаларига уларни илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»^[6].

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўзбек халқи сиёсий мустақиллик ва озодликка эришди, ўз тақдирининг эгаси, тарихини ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

Баркамол тарбия ғояси жамият ҳаётида рўй берган маънавий ўзгаришларнинг асосидир. Баркамол тарбия ғояси шахснинг ҳар томонлама

шакллантириш, халқнинг маънавий камолоти даражаси билан боғлиқ. Юксак маънавият соҳиби бўлган халқгина миллий ўзликни тўла ва тўғри англаш имконига эга бўлади. Миллий ўзликни, манфаатларни, тараққиёти истиқболини чуқур, холисона, одилона англаган халқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олишини тарих сабоқлари ҳар доим исботлаб келган. Албатта ушбу жараён шахсни ҳар томонлама ривожлантириш асосида маънавий тикланиш, покланиш ва юксалишнинг мустақил Ўзбекистон шароитида муҳим назарий муаммоларини ўрганиш ҳам катта аҳамияти эга. Шахсни ҳар томонлама шакллантиришни ҳисобга олиб ёндашиш баркамол тарбия ғоясини амалга ошириш янги йўллари излашдир.

Шахсни камол топтириш таълим-тарбия ишларини яхшилашнинг ҳозирги кунда катта эътибор бериш учун зарур бўлган кўплаб назарий муаммолардан бўлиб, шулардан бири-баркамол тарбия ғоясининг илдиэларини ўрганишдир.

Баркамол тарбия ғояси инсоннинг туғма хусусияти эмас. Баркамоллик фақат инсонга хос фазилат бўлиб у жамият тараққиёти жараёнида шаклланади. Одам фарзанди баркамоллик билан туташ бўлганидагина инсон деган буюк ва шарафли номга муносиб бўлади. Шу сабабли ҳам баркамол тарбия инсон камолотининг асосий белгиси ҳисобланади.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантиришга имкон берадиган, ирсият қонунлари билан белгиланган туғма истеъдод ва имкониятлар жуда чуқур ирсий асосларга эгадир. Туғма ирсий имкониятлар меҳнат, ҳаёт тажрибаси, жамоатчилик таъсири асосида сайқал топиб, эътиқодга, руҳий моҳиятга айланади ва инсон онгида, қалбида чуқур ўрнашади. Ислом Каримов баркамол авлод моҳияти устида алоҳида тўхтаб, у «инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўғити билан бирга сингади»^[4] деган чуқур фалсафий фикрларни айтган.

Демак, баркамоллик инсонга хос бўлган ирсий имкониятлар, қобилият

куртакларининг ҳаёт тажрибаси, аجدодлар мероси ва намунаси, билим, ахлоқ, одоб асосида шаклланиб, шахсининг ҳаёти ва фаолиятига мақсад ва йўналиш берувчи руҳий асосдир.

Ҳар қандай ривожланган ҳайвоннинг боласини қанчалик тарбиялашга уринмайлик, унда онг пайдо бўлмайди, маънавий ривож топмайди. Демак баркамоллик фақат инсонга хос бўлган фазилатдир.

Баркамоллик инсонга хос бўлган ички руҳий ҳолатгина эмас, балки жамият, давлат, миллат, шахс ривожланиш ва камолотининг асосий омилидир.

Баркамол тарбия ғояси инсоннинг муайян мақсад, келажакка ишонч, куч ва қудрат бахш этади. Инсон ақли ва қўли билан ниманики яратмасин, улар ғоя ва тушунча, билим, истеъдод, қобилият сифатида шаклланади. Демак шахсни шакллантириш миллат, давлат, жамият маънавиятининг бир бўлаги ҳисобланиб, одамлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар, жамият ҳаётидаги шароит ва имкониятлар асосида амалга ошади.

Ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгга таъсири катта, албатта. Лекин баркамол тарбия ғояси инсон онгидаги соясигина эмас. Балки, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шароитлар таъсирида шаклланади. Жамият тараққиёти ҳақидаги ҳар қандай ғоялар, қарашлар аввал инсоннинг шахсида, тафаккурида шаклланади. Кейин эътиқодга айланиб, унинг ҳаётий фаолиятига, жамият тараққиётига йўналиш беради. Баркамол тарбия ғояси мақсадлар билан боғланган инсон фаолиятига таъсир этиш эса маърифий, тарбиявий, мафкуравий тадбирлар асосида амалга ошади. Шахсни ҳар томонлама шакллантириш-бу баркамол тарбия ғоларининг мақсад ва манфаатларга асосланган ҳолда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг узвийлигига эришиш, фуқароларни тушуниш, уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат қилиш ва ушбу йўналишларга кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларида ривожлантириш муҳимдир.

Албатта бунда ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамжиҳатлиги шахс

хаёти ва тақдирида муҳим ўрин тутади.

Шахсни ҳар томонлама шакллантириш бу жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий мезонларини, юксак инсоний фазилатларни кундалик фаолиятида ҳам, бошқалар билан муносабатда бўлиш мезонларини жамият мақсадларини уюштирадиган, яхлит жамоага бирлаштиришда руҳий омиллар ҳисобланади.

Шахсни ҳар томонлама шакллантириш мазмун жиҳатдан серқирра ва кенг кўламлидир.

Баркамол тарбия ғоясининг моҳияти, қирралари, ривожланиш имкониятлари шунчалик каттаки, уни ўлчаб ҳам, поёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам... Инсон уни инсон даражасига кўтарадиган асоларнинг асосини ўз ақли билан том маънода қамрай олмайди.

Баркамол тарбия ғояси ўзининг тарихий илдишларини, инсонга хос барча олийжаноб фазилатларини қамраб олиши жиҳатидан бепоён. Миллий умуминсоний кадриятлар баркамол тарбия ғоясининг моҳияти, имкониятлари чексиз эканини кўрсатувчи яна бир далилдир.

Баркамол тарбия ғоясининг серқирралиги, маънавий камолот жараёни чексиз эканини кўрсатувчи асосий омил-унинг ривожланиш имкониятларидир.

Ҳар бир тарихий давр конкрет шароит, эҳтиёж ва имкониятлар билан тақазо қилинган ҳолда баркамол тарбия янги шакллари ва мезонларини яратади. Бу мезонлар қандайдир бир сунъий қоида эмас, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида инсон камолотининг янги йўналишларига бўлган имконият ва эҳтиёжларнинг ифодасидир. Жамият тараққиёти олдинга қараб борувчи жараён бўлганлиги сабабли унинг асосий таркибий қисми бўлган баркамол тарбия ғояси ҳам узлуксиз давом этаверади. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даври баркамол тарбиянинг ҳам янги босқичидир.

Баркамол тарбия ғоясининг бепоёнлиги ва чексизлиги тарихий тараққиётнинг узлуксизлиги билан белгиланади. Бу тараққиёт босқичлари,

ўртасидаги боғланишлар ворислик, тобора юксаклик сари интилиш билан боғлиқ. Конкрет тарихий шароитда яшаган инсон бу узликсиз, чексиз жамиятнинг барча қирраларини тўла англаб ололмайди. Маънавият умуминсоний фазилат бўлгани сабабли ҳар бир шахс ўз онгида унинг маълум томонларинигина акс эттира олади. Баркамол тарбия ғояси айрим шахсларни эмас, балки барча жамият аъзоларини қамраб олгандагина катта ижтимоий аҳамият касб этади.

Баркамол тарбия ғояси шахс эҳтиёжларнинг мазмуни ва даражаси билан боғлиқ.

Шахсни ҳар томонлама шакллантирувчи асосий куч - иқтисодий, сиёсий, ижтимоий тараққиёт заруриятлари билан муштараклашган эҳтиёждир. Шахсда эҳтитоёж бўлмаса унда ҳеч қандай тараққиёт ва юксалиш бўлмайди. Эҳтиёжнинг ўзи ҳам маънавиятлилик даражаси билан белгиланади.

Шахс ривожланишининг охириги нуқтаси бўла олмаганидек, баркамол тарбия ғоясининг ҳам сўнги чегараси бўлмайди. Баркамол тарбия ғоясининг ҳар бир босқичи конкрет даврларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва имкониятлари билан белгиланади. Баркамол тарбия ғояси ўз навбатида шахсни янги, яна-да кенгроқ шаклланиши учун замин бўлади. Биноларин, баркамол тарбия ғояси янги чўққиларига етиш эҳтиёжи, шахс ва жамият камолотнинг ҳал қилувчи омили сифатида инсон фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Баркамол тарбия ғояси бирор чегарага бориб тугалланмайди ҳам.

Баркамол тарбия ғояси доимо излаш-инсон камолотини белгиловчи эҳтиёж, ҳаётини мақсади ва мазмунидир. Агар инсонда шу эҳтиёж бўлмаса, камолот сари интилиш билан боғлиқ бўлган зарурат ҳам бўлмайди.

Баркамол тарбия ғояси инсоннинг фақат ички, соф руҳий, субъектив интилишигина эмас, балки унинг ҳар бир шакли объектив воқелик қонунлари ва заруриятлари асосида юзага келади. Лекин бу объектив таъсир инсоннинг кўли ва оёғини боғлаб олиб ҳоҳлаган томонга етаклаб кетавермайди. Инсон ҳар қандай ташқи таъсир ва заруриятни ўз ички эътиқоди, иймони ва

виждони тарозисига солиб, амалий фаолияти, мақсадлар билан боғлайди. Ташқаридан бўлган ҳар қандай даъватни тинглашга қодир бўлган инсонда ўз-ўзини англаш, ўз фаолиятига йўналиш бера олишдек субъектив имконият ҳам бор. Баркамол тарбия ғояси эҳтиёжларини қондириш жараёни шу йўсинда амалга ошаверади. Шахс шаклланиши объектив муҳит таъсирига асосланса уни рўёбга чиқаришнинг йўллари инсоннинг фаолиятига, баркамоллигига боғлиқ. Ҳар бир шахс ўзининг эҳтиёжларини иймони, эътиқоди, манфаати, дунёқарашидан келиб чиқиб амалга оширади.

Шахснинг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос миллий, минтақавий, диний ва умуминсоний жиҳатлари ҳам бор. Бинобарин, Баркамол тарбия ғоясининг мазмуни, аҳамияти ва даражасини белгилаб берувчи мезонлар ҳар доим ҳамма ерда бир хил бўлиши мумкин эмас.

Ҳозирги кунда бошланғич таълим ўқувчиларида баркамол тарбия ғояси шаклланаётган мустақил давлатимизга, халқимизга муҳаббат, танлаган йўлимиз ва юртимизнинг истиқболига ишонч билан суғорилган. Бунинг натижасида ўқувчилар юртимиз куч-қудрати, ютуқлари ва муаммоларини тушуниб, бутун вужуди билан ҳис қилишга кучига, қудратига эга бўлиш билим ва кўникмалари шаклланмоқда.

Шахсни шакллантириш жараёнини тезлашишининг муҳим омилларидан бири. Бу унинг онглилиги, иймони, виждони, эътиқоди, масъулияти билан боғлиқдир. Бу эҳтиёжлар баркамол тарбия ғоясининг янгидан янги қирраларини эгаллашга имкон беради.

Ўқувчи шахсининг шакллантириш оиланинг турмуш даражаси ва мактаб муҳити, ундаги маънавият билан боғлиқдир.

Баркамол тарбия ғояси барқарор бўлмаган жойда ахлоқий маданият ҳам юксак бўлмайди. Фақат қорин тўйишини, яхши кийинишни, бойлик ортиришни ўйлаган одам баркамол тарбия эгаси бўлиши қийин. Ҳадисларда айтилганидек, энг бой, бадавлат киши мол-дунёси кўп одам эмас, балки кўзи тўқ, нафси балосига мубтало бўлмаган шахсдир. Маънавий қашшоқ бўлган

одам тўк, фаравон, маданий турмуш кечериш меъёрларини ҳам билмайди.

Баркамол тарбия ғояси ижодий, ақлий салоҳият соҳиби бўлган кишиларнигина келажакни кўришга, оғир шароитларда ҳам юксак мақсадларни олдига қўйиб, унга иймон, эътиқод билан интилишга қодир бўладилар. Халқимизда «қорнимга йиғламайман, қадримга йиғлайман» деган мақол бор. Иймонли, инсофли, виждонли, ҳалол кишилар учун обрў-эътибор, кадр-қиммат ҳар қандай моддий бойликдан афзалдир.

Шунинг учун ҳам бошланғич таълим босқичи ўқувчиларда билим, ахлоқ, миллий масъулият, кадр-қиммат туйғусини кучайтириш ўқувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ. Ўз масъулиятини англаган, обрў-эътиборини билган ўқувчи ўз мамлакатини дунёдаги энг ривожланган давлатлардан бирига айланишга хисса қўшади. Баркамол тарбия ғояси орқали ўқитувчи ўз ўқувчиларнинг шахсини шакллантиришга имконият яратади.

Баркамол тарбия ғояси ўқитувчининг фикри-зикри етук шахсни шакллантиришни асосий мақсади қилиб олиш лозим.

Бугунги кунда кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг миллий онгини ошириш, масъулияти ва бурч туйғусини кучайтириш, эътиқодни мустаҳкамлашга катта эътибор берилиши баркамол тарбия ғоясини амалга ошириш билан боғлиқдир. Баркамол тарбия ғояси маънавий камолот ва маърифат тадбирларини мунтазам, изчиллик билан ўтказиб келинмоқда.

Баркамол тарбия ғояси шахсни шакллантиришнинг ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий сифати ва фазилатларининг яхлит тизимидир.

Бу тизим асосан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ижтимоий - сиёсий, мафкуравий эътиқодлар билан боғланган бўлиб унда, миллат обрўси, кадр-қиммати, мустақилликнинг моҳияти, Ватан истиқболини чуқурроқ англаш, миллий онг, бурч ва маъсулият, ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллий ифтихор, она тилига ҳурмат, табиатни муҳофаза қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам она юрт манфаатларини ҳимоя қилиш, обрў-эътиборини кучайтириш, шарқона ахлоқий ҳуқуқий заминларга асосланган демократия,

виждон эркинлиги мезонларига риоя қилиш, назарда тутилади. Баркамол тарбия ғояси ва миллий, умуминсоний кадриятлар билан боғланган бўлиб, аждодларимиз бошлаган улуғ ишларни соғлом ақл билан, давр шароитлари ва имкониятлари, эҳтиёжлари асосида ривожлантириш, ҳар қандай шароитда ҳам миллий манфаатлар устиворлигини сезиш ва уларни адолатли равишда ҳимоя этиш, мустақил ва ижодий фикрлаш, фан техника ютуқларини ўрганиш, ўзлаштириш, ривожлантириш уларни ҳаётда самарали қўллашга интилиш, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муаммоларни ҳал этишда пухталиқ, мулоҳазалиқ, янгиликни фаҳм қила билаш, ўтмишга бирёқлама баҳо бермаслик, аждодлар тажрибасини ижобий томонларидан фойдалана билиш, давлат рамзларини ҳурмат қилиш, мамлакат ва миллат бошига тушган қийинчиликлар ҳусусида қайғуриш ва бошқалар киради. Демак, шахсни шакллантиришда ахлоқ, одоб борасида миллий, диний ва умуминсоний кадриятларнинг самимият билан ҳурмат қилиш, ҳамма ишда иймонли, инсофли, ҳалол бўлиш, ўз манфаати учун меҳнат қилган бошқа шахслар манфаатларини ҳам унитмаслик, инсонни улуғлаш ва унинг манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш, хайр-саҳоват, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат сингари диний, миллий ахлоқий кадриятларга амал қилиш, жамиятда осойишталик ва тинчлик, ахллик, тотувлик қарор топишига ҳисса қўшиш, фахрли бўлган олимларни, зиёлиларни ҳурмат қилиш ва фаолияти учун ёрдамлашиш, оилади, мактабда таълим, тарбия ишларни муштараклигини таъминлаш, ақлий, жисмоний қобилиятларини ҳар томонлама камол топтириш, таълим-тарбияни миллий, умуминсоний кадриятларга асосланиб амалга ошириш ва бошқалар бошланғич таълим мазмунидан чуқур ўрин олиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар ҳам баркамол тарбия ғоясининг ҳам бир кўриниши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда республикамизда яшаётган барча халқларнинг манфаатларини тенг ҳимоя қилиш, миллий муносабатларни барча муаммоларини қонунлар,

ижтимоий адолат мезонлари асосида ҳал этиш-Ўзбекистон раҳбарияти олиб борган ички сиёсатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлиги ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш ва бунинг натижасида республикамизда яшаётган бошқа барча халқларнинг вакилларига одилona қараш, уларга меҳрибонлик қилиш каби хусусиятларни ривожлантириш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Чунки баркамол тарбия заминида ўқувчилар ўртасидаги аҳиллик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг барқарор бўлиши барча фуқароларга иззат-хурмат билан қараш, мусофирпарварлик ва меҳмондўстлик сингари ўзбекona қадриятларнинг асосини ташкил этади албатта, бунда ўқувчиларда бошқа халқларнинг миллий манфаатлари, ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш. Ўзбекистон Конституциясида барча халқнинг тенглиги ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш мустақил давлатимизнинг муҳим вазифаси эканлиги кўрсатиб ўтилганлиги Конституциямизда қўлланган «Ўзбекистон халқи» деган тушунча орқали Ўзбекистон шу ҳудудда яшаётган барча халқнинг она юрти экани ҳақидаги хусусиятларни шакллантириш баркамол тарбия ғояси билан боғлиқдир.

Баркамол тарбия ғоясини амалга оширишда кичик мактабдаги ўқувчиларда миллий онгни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Чунки миллий онг баркамол тарбия ғоясининг асоси ва маҳсули сифатида юзага келади. Миллий ўз-ўзини англаш ўз навбатида комил шахсни шакллантиришда янги имкониятлар, йўналишлар очиб беради.

Ҳар бир шахс миллат ўз тарихини, кадр-қимматини билишни, келажакка комил ишонч билан бориши баркамол тарбия ва миллий онг бир-бири билан боғлиқ равишда ривожланиб бораётганининг ифодаси бўлади.

Шахснинг ҳар томонлама шакллантириш заминида ҳам онг ётади. Ўз тарихини, ватани ва халқи олдида турган вазифаларни теран англаб етган ўқувчининг шахси ҳар томонлама ривожланган бўлади. Демак маъсулият туйғуси, иқтисодий ривожланиш маънавий покланиш, маънавий юксалиш каби ҳаракатларининг уйғун бўлишни уларнинг салоҳиятини, оқибатли,

бўлиш сари етаклайди.

Баркамол тарбия ғояси билан мактабда амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар ўртасида чуқур диалектик алоқадорлик мавжуд.

Баркамол тарбия ғоясининг буюк бўлиши фақат шахсни шакллантириш имкониятларигагина боғлиқ эмас. Балки бунда ўқувчиларга табиий бойликлар мамлакатнинг табиий, иқтисодий ресурслари ҳақидаги тушунчаларга эга бўлишига ҳам боғлиқ. Чунки, ўқувчиларда давлатнинг буюклиги, куч-қудрати, Ватан ва миллат равнақи йўлида фидокорона меҳнати ҳақидаги билимларни шакллантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Баркамол тарбия ғоясига ижодий тафаккур-шахс камолотнинг асосий мезони ҳисобланади.

Шахс тафаккурининг ривожланиш имкониятлари чексиз эканлиги ҳаммага маълум. Жамият тараққиётнинг ҳар бир босқичида шахснинг тафаккур салоҳияти шу даврларнинг шароитлари, имкониятлари ва эҳтиёжлари билан белгиланади. Шахс тараққиётининг истиқболи бу бевосита баркамол тарбия ғоялари маънавий мерос, таълим аниқ мақсадлар, жараёнлар имкониятлар билан боғлиқ. Инсониятнинг тафаккур салоҳияти етук бўлган даврларда мутафаккирлар келажакда амалга ошадиган ғоялар, илмий башоратни олдинга сурганлар. Эркин ижодий тафаккур муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий заминларда юзага келади ва маънавиятнинг ривожига қанчалик муштарак бўлса, ижтимоий тараққиёт учун замин бўладиган илғор ғоялар кўпроқ майдонга келади ва тараққиётга ижобий таъсир этади.

Шундай экан бошланғич таълим ўқитувчиси ўз ўқувчиларида ижодий эркин фикрлаш имкониятларини ривожлантириш, шахснинг ўзига хос бўлган маънавиятини кенг кўламда намоён этишга ўргатиш ақлий салоҳиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчининг қандай фикрлаши, уларнинг ўз виждони ва иймони билан қизиқиши ўқитувчининг ижод ва холисона илмий изланишлар имкониятларидан келиб чиққанлигини

кўрсатади. Бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда ақлий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий каби йўналишларга оид бўлган билимларни шакллантириш шахс камолотининг асосини ташкил этади.

Бироқ айниқса уларни ижтимоий, муаммоларни мустақил таҳлил этишга, ўз фикри ва мулоҳазасини очик айтишга ўргатиш ва бунинг натижасида миллат, тарих, Ватан мафкура борасидаги тушунчаларни шакллантириш, улар орасида миллат олдидаги масъулиятни тўла ҳис қилиш кайфиятларини кучайтиради. Бу эса ўқувчининг мустақил фикирлаш миллат тарихига, маданий мерос ва қадриятларга, буюк алломалари ва тарихий шахсларга бўлган садоқатни ривожланишида, муҳим ўрин тутади.

Демак шахсни ривожлантиришдан асосий мақсад унинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини кучайтириш, тафаккурни, ўқувчиларнинг эркин, ижодий фикрлашга имкон яратиш зарурияти кучаймоқда.

Миллий тафаккур миллий онгнинг ақлий фаолиятларнинг амалиёт борасида намоён бўлиши, ҳар бир шахснинг миллий манфаатларни англашда ва уларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Тафаккур бутун инсониятга хос хусусият бўлса ҳам, унинг миллий жиҳатлари мана шу масалаларда кўринади. Миллий тафаккурга миллатнинг ахлоқи, психологияси, тарихий анъаналари, турмуш тарзи, меҳнат фаолиятининг хусусияти ва йўналишлари бевосита таъсир этади.

Баркамол тарбия ғоясида-шахсни ривожланишининг муҳим омили диний қадриятлар ҳисобланади.

Диний қадриятлар жамият тараққиётининг муайян босқичида объектив, субъектив эҳтиёжлар, заруриятлар асосида ривожланган. Қуръон, ҳадислар, шариат қоидалари, ислом ҳуқуқи асосларидаги барча ғоялар заминида руҳий покланиш, иймон, виждон, эътиқод билан боғлиқ бўлган дунёвий муаммолар ўртага қўйилган. Жамият ҳаёти ва шахсий ҳаётидаги барча муаммоларни ҳал этиш учун инсон ўзи руҳан, виждонан пок, иймонли, ҳалол, эътиқодли бўлиши керак деган ғоя ислом динининг мазмунида катта

ўрин олган.

Ҳадислар, шариат қоидалари инсон шахси камолотининг асосий йўллари ва мезонларини белгилаб беради. Инсон-Олло яратган буюк мавжудот, унга хизмат қилиш-энг саховатли иш дейилиши маънавиятга муайян мақсад берувчи ғоялардир.

Шунинг учун ҳам бошланғич таълим ўқитувчиларида динларга нисбатан бўлган оқилона муносабатни шахс камолоти даражасига кўтариш миллий ва маънавий кадриятларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди. Бу мақсадга эришиш йўлида ўқувчиларнинг диний эътиқодларини мустаҳкамлаш ҳам катта аҳамиятга эга эканини ўқитувчилар унутмаслиги керак.

Чунки дин ўзининг ижтимоий таъсири ва кучи жиҳатдан ҳар қандай мафкурадан устун туради. Сўнги минглаб йиллар давомида жамият ҳаётида кўплаб сиёсий, мафкуравий қарашлар тизими шаклланди ва вақт ўтиши билан йўқолиб кетди, диннинг ижтимоий илдизлари эса заифлашмади. У кишиларнинг онги, эътиқоди, фаолияти, ахлоқи ва одобига ҳамма вақт таъсир этиб келди ва келмоқда. Динга эҳтиёж шахс камолотига бўлган эҳтиёжнинг бир кўринишидир. Динсиз жамият маънавий жиҳатдан заиф ва қашшоқ бўлади.

Мустақил Ўзбекистонда динга нисбатан шаклланган янгича муносабат умуминсоний кадриятларга, тарих тажрибасига, халқимиз миллий ва диний эътиқодини чуқур таҳлил этишга асосланган. Бинобарин, Ўзбекистонда маънавият ва маърифатни юксалтириш билан боғлиқ барча режаларни белгилашда ислом динининг имкониятларидан ҳам тўла фойдаланиш лозим. Асрлар давомида дин одамларни улуғ мақсадлар йўлида бирлашишга, ҳамжиҳат бўлишга, тинчлик, тотувликни мустаҳкамлашга, миллий, ирқий камситишларга йўл қўймасликка, меҳнатсеварликка, меҳр-оқибатлиликка чорлаган экан, унинг бу имкониятлари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш юртимизда тинчлик, осойишталик, аҳилликни таъминлашда ҳам катта аҳамиятга эга.

Дин сиёсат эмас, балки маънавият эканини унутмаслик керак. Динни курул қилиб, ўз сиёсий мақсадларига эришиш йўлида кишиларнинг хиссиётларидан фойдаланишга интилиш катта гуноҳдир.

Диний эътиқоднинг турли-туманлигига асосланиб кишиларни бир-бирига қарши қўйиш Ислом динининг моҳиятига тўғри келмайди. Ҳадисларда ҳам бошқа динга муносиб кишиларни камситиш ёки ҳақорат қилиш катта гуноҳ экани очик кўрсатилган.

Диний ва дунёвий билимларни эгаллашга интилишни, олимларни кадрлашни ҳам ислом дини муқаддас бурч деб билади.

Диний эътиқод билан дунёвий билимлар бирлашсагина улар инсон қалбидан чуқур ўрин олади. Демак, диний ва дунёвий билимлар муштараклиги ҳозирги кунда амалга оширилаётган маънавий камолотнинг муҳим шартларидан биридир.

Шахс камолотининг ҳозирги кундаги бу муҳим назарий муаммоларини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Булар-мустақиллик шароитида амалга оширилаётган таълим, тарбия ишларида катта эътибор бериш зарур бўлган масалалардир. Шундай экан, бошланғич таълим курсида баркамол тарбия ғоясини тарғиб этиш унинг назарий асосларини чуқур билиш шахсни шакллантиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

I.2 Ватанпарварлик – баркамол тарбия ғоясининг асосий негизи

Жамият ривожланганни сари катта аҳамият касб этадиган баркамол тарбия ғояларидан бири-ватанпарварлик туйғусидир. Ватанпарварлик она юртнинг, халқнинг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсга хос фазилят.

Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олади, фаолиятига таъсир қилиб, уларни масъулиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этади.

Демак, ватанпарварлик-ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боғлаган

барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққиётининг имкониятлари, шон-шухрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилари ватанпарварлик туйғусининг даражаси билан боғлиқдир. Ватанпарварлик ҳам миллий, ҳам умуминсоний маънавий қадриятларнинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади.

Қадимги ота-боболаримизда Ватанга, элига мухаббат муқаддас туйғу эди. Улар ватан, халқ манфаати, миллий қадр-қиммат, ор-номус масаласини ҳамма нарсадан устун қўйганлар, керак бўлганда бу манфаатлар йўлида жонини қурбон қилишни ўзлари учун шараф деб билганлар.

Ватан сўзи асли арабча бўлиб, одамнинг ота-боболари яшаб ўтган, ўзи ҳам яшаётган мамлакатни ифодалайди. Агар ҳар бир одам ўзи туғилган шаҳар ёки қишлоқнигина ватаним деб тушунса, бу маҳаллийчилик кайфиятларини кучайтиради, кишиларни муайян ҳудудда яшаётган ижтимоий этник бирлик сифатида уюштиришга, бирлаштиришга, ўз манфаатларини бир ёқадан бош чиқариб ҳимоя қилишга тўсқинлик қилади. Яхлит ягона ватанни тан олмаслик миллий парокандаликнинг белгисидир.

Ватан тушунчаси этник бирликларга нисбатан қўлланилганда муайян ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳамият касб этади. Ватаний бирлик тарихан шаклланган, инсон қалбида илдиз отган, истиқбол муаммоларини чуқур англаш билан боғлиқ бўлган ижтимоий бирликдир. Инсон ўзининг бутун орзу-умидларини ватан истиқболи, унинг барқарорлиги, тараққиёти билан боғлайди. Шу асосда юзага келган билимлар, тасаввурлар, эътиқодлар ва ватанга бўлган муносабатни белгилайди. Ватанга бўлган муносабат маънавият даражасига кўтарилиб, инсон фаолиятига мақсад ва йўналиш бериши - ватанпарварликдир. Ватанпарварлик айрим шахсларнинг фаолиятида ҳам кўринади. Бироқ бундай фаолият ижтимоийлашиб, кўпчиликка хос бўлган маънавият даражасига кўтарилгандагина тараққиётнинг муҳим омилига айланади. Ватанпарварлик-бир ижтимоий, этник гуруҳга мансуб бўлган кишиларнинг ўз тарихини, тили, маданияти, урф-одатларини, миллий обрўси, қадр-қимматини билиш, ҳурмат қилиши, уларга таяниши, бошқа халқларнинг ҳам обрў-эътиборини, манфаатларини ҳурмат қила билишни ифодаловчи маънавий фазилатдир.

Кишилар ватанни бир сўз билан эмас, балки она ватан деб атайдилар. Ватан инсон

учун она каби кадрдон ва мўътабардир. Инсон учун она битта бўлади. Иймонли, эътиқодли кишилар учун ватан она каби муқаддас ва биттадир. Ватанга бўлган муҳаббат кишиларни ҳар қандай мафкуравий ғоялардан кучлироқ асосда бирлаштиради, улуғ ишларни ҳамжихатлик билан бажаришга сафарбар этади.

Ватанпарварлик, ватанни улуғлашдан ташқари, унинг кадр-қимматини, мустақиллигини ҳимоя қила билишдир. Ватанпарварликнинг аҳамияти ватан тараққиётининг энг масъулиятли даврларида яққолроқ кўзга ташланади.

Ватанга ҳиёнат қилиш, ўз манфаатини Ватан манфаатига карама-қарши қўйиш-соткинликдир. Барча даврларда ҳам ватанни пул, маиший қулай шароитга алмаштиришга, ватанфурушликка маънавий тубанлашишнинг бир белгиси сифатида қаралган. Қадимги туркий давлатлардан бирининг асосчиси Мэтэхон билан боғлиқ қуйидаги воқеа аждодларимизга хос бўлган ватанпарварликнинг мисоли бўла олади.

Қўшни давлатнинг подшоши бу мамлакатга ҳужум қилиш учун баҳона қидирган. Мэтэхон эса уруш қилиб, эл юртининг вайрон бўлишини истамас эди. Урушқоқ қўшни даставвал Мэтэхондан жуда яхши кўрган отини сўраган. Мэтэхон ноилож бу талабни бажарган, ҳеч иккиланмай отини унга берган. Кейин чиройли канизагини сўраган. Мэтэхон ноилож бу талабни ҳам бажарган. У, «мен ватанимни ўз ишқим ўғрисига хор этмайман», деган. Кейин мамлакатининг экинсиз, ўрмонсиз бир парча ерини сўраган. Шунда Мэтэхон қуйидаги сўзларни айтган экан: «Ватан, бизнинг мулкимиз эмас. Мозорда ётган оталаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу муборак тупроқ устида ҳақлари бордир.

Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимнинг салоҳияти йўқ. Бундан буёғига уриш қилажакмиз. Энди мен отимни душманга сураман, орқамдан келмаган ўлдирилажакдир».

Тарихда номи маълум ва машҳур бўлган буюк мутасаввуф олим Шайх Нажмиддин Кубро ҳақиқий ватанпарвар, қаҳрамон бўлгани маълум. Мўғуллар Туркистон заминининг кўп шаҳарларини вайрон қилиб, Хоразмга ҳужум бошлаганида ички низолар гирдобига ўралиб қолган Хоразмшоҳ Муҳаммад мамлакатини, халқини ўз ҳолига ташлаб қочиб кетади. Шунда 16 ёшли Кубро

масъулиятни ўз зиммасига олиб, шаҳар ҳимоячиларига раҳбарлик қилди, қўлига қурол олиб жанглarda иштирок этди. Мўғул қўшинлари бошлиғи оламга номи кетган бу буюк олимни яхши билар эди. Шунинг учун ҳам шаҳар камал қилинган дастлабки кунларида у Куброга омонлик беришга ваъда қилди ва оиласи, қариндош-уруғлари билан шаҳардан чиқиб, хоҳлаган мамлакатига кетишига розилик берди. Лекин Кубро бу таклифга кўнмади, шундай оғир кунларда халқи, мамлакатини ташлаб кетиб, жонини асраб қолишни ўзи учун номус деб билди. У қўлига қурол олиб, жанг майдонларида ажнабий босқинчиларига қарши курашда ҳалок бўлди.

Миллатнинг кадр-қимматини тиклаш, маънавиятини ошириш учун бел боғлаб курашган Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори, Абдулла Қодирий ва бошқалар ҳам ҳақиқий ватанпарвар бўлганлар. Улар ватан тарихидаги энг оғир даврларда эл, халқ, ватан аҳволини кўриб қуйиб ёнганлар, унинг истиқболини ўйлаб ҳаракат қилганлар, маънавият ва маърифат зиёсини тарғиб этиб, халқнинг миллий онгини кўтарганлар, обрў-эътибори, кадр-қимматини ҳимоя қилганлар. Уларнинг фаолияти, қолдирган мероси элим деб, юртим деб, унинг истиқболи деб қуйиб, ёниб яшашнинг намунаси дир.

Абдурауф Фитратнинг ўлкада ҳукмронлик қилаётган мустамлакачилик зулмидан, халқнинг тарқоқлиги ва парокандалигидан қуйиб ёзган асарлари ватанга бўлган чesкиз ҳурмат, муҳаббат, унинг XX аср бошидаги оғир аҳволдан қуйинишнинг ифодаси дир.

Ватанпарварлик - етук шахсга хос фазилат дир. Маънавияти заиф бўлган халқда ватанпарварлик туйғуси ҳам кучли бўлмайди. Шу сабабли ҳам барча даврларда босқинчилар халқнинг маънавий камолоти имкониятларини чеклаш йўли билан унинг ватан ҳақидаги буюк туйғуларини заифлаштирмоқчи бўлганлар. Маърифат зиёсини сочиб, халқнинг, ватанпарварлик туйғусини кучайтирадиган куч зиёлилар эканлигини яхши тушунган ажнабий босқинчилар даставвал миллатни шу маънавий раҳнамоларидан маҳрум қилишга ҳаракат қилган.

Ватанпарварлик муайян миллат вакилларини аниқ мақсад ва манфаатлар йўлида бирлаштирувчи умуммиллий ғоя ҳам дир. Агар бирор миллатнинг вакиллари

тарқоқ, уюшмаган, умуммиллий манфаатлар бирлигини англамаган, қабила - уруғчилик, маҳаллийчилик, гуруҳбозлик гирдобига ўралиб қолган бўлса, уларда муштарак ватанпарварлик эътиқоди ҳам бўлмайди. Бундай миллат кишиларини бирига қарама-қарши қилиб қўйиб, асорат остига олиш ҳам қийин эмас. Ватанпарварлик эътиқоди билан суғорилган миллий бирлик, бирдамлик, аҳиллик, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуси миллатнинг кучи ва қудратини белгиловчи, истиқболлини порлоқ қилувчи субъектив омилдир.

Ватанпарварлик сўзда эмас, балки амалий ишларда намоён бўлганидагина тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланиши мумкин. Мураккаб шароитларда мустақиллигимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий асослари мустаҳкамланаётган ҳозирги кунларимизда ватанпарварлик эътиқоди амалий ишларда, фуқароларнинг кундалик фаолиятида намоён бўлиши айниқса катта аҳамиятга эга. Бундай шароитларда инсон фаолиятида онглилик билан фидойилик бирлашмоғи зарур. «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги, - деб ёзади И.Каримов, - бу қайта ўзгариш йўлини кўрсатувчи, кўзлаган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ерига, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жипслаштирувчи асоси ҳисобланади».

Ватанга меҳр ва муҳаббат, ватанпарварлик эътиқоди тарихий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доим такомиллашиб, ривожланиб боради. Ватаннинг қадр-қимматини, тарихи, тақдири, истиқболлини қанчалик кўп англасак, бу эътиқодни ўз ҳаётимиз, фаолиятимиз, орзу-умидларимиз билан чуқур боғласак тўлароқ маънода ҳақиқий ватанпарвар бўлиб камол топаверамиз. Бу чексиз жараён. Инсонда ҳеч қачон тугалланган ватанпарварлик эътиқоди бўлмайди. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичлари ватанпарварликнинг, она юртга бўлган меҳр-муҳаббатнинг янги-янги қирраларини келтириб чиқараверади. Бинобарин, ҳар бир шахсда Ватан тушунчасининг шаклланиши унинг маънавий

камолоти ва жамият ривожланиши билан боғлиқдир.

Ҳар бир шахс маънавияти, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларнинг шаклланиши натижасида ватаннинг аҳамияти ва моҳиятини тўлароқ англай бошлайди. Ниҳоят, Ватан инсон қалбида «муқаддас саждагоҳ» сифатида ўрин олади. Инсоннинг маънавий камолоти жараёнида ватанга меҳри, ватанпарварлик эътиқоди ривожланиб, қалбидан чуқур ўрин олиб иймон даражасига кўтарилади.

Тарихнинг барча даврларида ҳам иймонсиз кишиларгина ўз ватанининг тақдирига бефарқ қараганлар, халқи ва она юрти манфаатларига соткинлик қилганлар.

Ватан ҳақидаги тушунчанинг моҳияти биз туғилиб ўсган, яшаётган ватанимизнинг ўзи эмас, балки бизнинг унга нисбатан бўлган эътиқодимиздир. Инсон ватанининг, халқининг қадр-қимматини, аҳамиятини руҳан англаб етганидагина ватанпарварлик унинг қалбидан чуқур ўрин олади.

Ватанга муҳаббат сиёсий мафкура эмас, балки баркамол ахлоқдир.

Ватанпарварлик тушунчаси таркибига кирган барча фазилатлар ахлоқий кадриятлар тизимига ҳам киради. Шу сабабли ҳам ватанпарварлик ўз моҳияти жиҳатидан бирор ҳудудга, мамлакатга бўлган оддий ҳурматдан чуқурроқдир.

Ватанпарварлик, бир жиҳатдан, шахснинг ўз халқига бўлган ҳурмати ва садоқатининг кўринишидир. Шу маънода ватанпарварлик миллатпарварлик ҳамдир, миллий руҳ ва эътиқоднинг кўринишидир. Миллатпарварлик - ўз халқнинг тарихи, тақдирини билиш, унинг манфаатларини ҳар қандай шароитда ҳимоя қилишга тайёр бўлишдир.

Ватанпарварлик - миллий худбинлик эмас, балки бошқа халқларнинг ҳам қадр-қимматини, маданиятини, манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қила билишдир. Ватанпарварлик биз яшаётган мамлакат, биз мансуб бўлган миллат тақдири, истиқболи бошқа халқларнинг тараққиёти, тақдири билан боғлиқ эканини англашда ҳам намоён бўлади. Ҳар бир халқ истиқбол сари бир ўзи эмас, балки бошқалар билан ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда боради. Барча мамлакатлар ва халқларнинг тарихи бири бири билан узвий боғланган жараён эканлигини англаш ҳам ватанпарварликка киради.

Демак, ватанпарварлик байналмилалчилик эътиқодини ҳам ўз ичига олади.

Ватанпарварлик инсон зотига мансуб бўлган барча кишиларга нисбатан бўлган ҳурмат ва эътиқодни ҳам ўз ичига олади. Биз турли мамлакатларда, минтакаларда яшаб, турли тилларда сўзлашсак, турлича маданиятлар, урф-одатлар, ахлокий фазилатларнинг соҳиби бўлсакда ўртамизда муштарак манфаатлар кўп. Бу муштараклик ҳозирги кунда бутун инсоният олдида турган умумий ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий муаммолар бирлиги, яқинлиги, умумий вазифаларда янада кўпроқ кўзга ташланмоқда. Ҳозир биз бутун инсониятнинг тақдирини ўйламоғимиз керак. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ватанпарварлик инсонпарварлик ҳамдир.

Ватанга ҳурмат, ватанпарварлик инсон маънавиятига доим хос бўлган хусусият. Лекин бу эътиқод ҳар доим бир хил бўлиб туравермайди. Тинчлик, фаровонлик даврларида кўпинча ватан ҳақида камроқ ўйлаймиз. Тасаввуримизда турмушимиз ва тарққиётимизнинг муайян вазияти табиий ҳолдек бўлиб кўринади. Лекин ватан, миллат бошига бирор мусибат тушганида ватанпарварлик эътиқоди кучайиб кетади. Ҳар бир шахснинг ўз ватани ва халқига бўлган эътиқоди қай даражада кучли экани ана шундай даврларда яққол кўзга ташланади. Мана шундай даврларда ватанпарварликнинг умумий жиҳатларидан кўра муайян миллат ва мамлакат манфаатлари, тақдирини, мустақиллигини билан боғлиқ бўлган томонлари анча кучаяди.

Ватанпарварлик муайян миллий маданият, мафкура, эътиқодлар асосида шаклланади ва ривожланади. Шу маънода ҳозирги миллий истиқлол мафкураси мустақил Ўзбекистон ватанпарварлигининг назарий асосини ташкил этади. Шу мафкура асосида шаклланган ватанпарварлик миллий бирлик ва бирдамликни кучайтиришга имкон беради.

Тарихий тараққиётнинг турли даврларида миллатлар ижтимоий гуруҳларга бўлинади. Уларнинг маънавий даражасида, манфаатларида тафовутлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин бу тафовутлардан қатъий назар, муайян миллий мафкурага асосланган ватанпарварлик умуммиллий фазилат сифатида шаклланади ва сақланади.

Бир миллат вакиллариининг ватан, ватанпарварлик ҳақида тушунчалари бир-бирига тўғри келмаса, муштарак миллий тараққиёт бўлиши мумкин эмас.

1.3. Баркамол тарбиянинг моҳияти ва тарихий асослари

Миллий истиқлол ғояси халқимизнинг ўтмишдаги ва замонавий юксак маънавияти, анъана ва удумларини акс эттиради. Юртбошимизнинг таърифига кўра, «Миллий ғоя халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ, таоло ақл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини аниқлатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритадиган маёқдир»¹.

Миллий ғоя халқнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайди, унинг ўтмиши ва келажакини бир-бири билан боғлайди, орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қилади. Унинг моҳият-мақсади асрлар мобайнида интилиб келинган ва ана шу узоқ йиллик кураш орқали эришилган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлашдир.

У Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоғи керак. Унинг сафарбарлик кучи мамлакатнинг ҳар бир фуқороси қалбида Ватанга Ўзбекистонимизга муҳаббат, мустақиллик ғоясига садоқат руҳида тинмай меҳнат қилишда намоён бўлади.

Миллий ғоя ўз номи билан халқ ва унинг мустақиллигининг ифодасидир. Бутун инсоният тарихида муайян миллатга хос мақсадларни ифодалашга хизмат қилувчи, ғоя унинг асосий тушунча ва тамойилларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этган. Ўз Ватанининг маънавий ва иқтисодий салоҳиятини кундан-кунга юксалтириб боришда фаол иштирок этаётган барча кишиларнинг фаолияти ана шу вазифани бажаришга қаратилган.

Шу маънода миллий ғоя дини, эътиқоди, жамиятдаги қайси табақага мансублигидан қатъи назар, Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларнинг умуммиллий мақсадини белгилаб беради ва уни руёбга чиқаришга чорлайди.

У мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи онги ва қалбида «Ўзбекистан-ягона Ватан» деган тушунчани шакллантиради ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Миллий ғоянинг маънавий тамойиллари, фалсафий негизлари халқнинг асрлар давомида шаклланган кадриятлари билан, яъни тарихий илдизлари билан уйғунлашиб кетади. Фуқаролар тафаккури ва қалбида мустақилликка садоқат, келажак ва мустақиллик ҳақида қайғуриш, ўзлигини, халқ, Ватан кадр-қийматини тўғри англаш ва уни ҳимоя қилиш-миллий ғоянинг қилиш-миллий ғоянинг моҳиятини кўп жиҳатдан белгилайди.

Миллий ғоя Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элат вакилларининг туб манфаатларини, халқимизнинг асрлар мобайнида интилиб келган орзу-идеалларини, олижаноб мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этади. Шу маънода «Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоя, Ўз моҳиятига кўра, халқимизнинг асосий мақсад-муддаоларини ифодалайдиган, унинг ўтмиши ва келажакгини бир-бири билан боғлайдиган асрий орзу-истакларни амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир».

Халқимиз асрлар мобайнида эзгу ният қилиб келган мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ўзбекистонлик ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, муқаддас она-Ватаннинг ҳаётий манфаатларини юракдан ҳис этган ҳолда уларни руёбга чиқариш учун фаол ҳаракат қилишимиз, курашишимиз зарур. Бу жараён халқимиз манфаатларини, уларни ўзида мужассам этадиган миллий ғояни англаш билан боғлиқ ҳолда кечади. Ватан манфаатлари ҳар бир фуқаро манфаатлари билан узвий боғлангандир. Зеро, Ватаннинг ободлиги халқнинг фаровонлиги билан боғлиқ. Фуқаролари бадавлат мамлакатгина моддий ва маънавий тўқис бўлади. Шундай экан, миллий ғоянинг муҳим тамойилларидан бири инсон кадр-қийматини ҳар томонлама юксалтириш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат. Бунга эришиш учун халқимиз, юртимиз фуқароларининг ҳамжиҳатлиги ва бирдамлигини янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Бу вазифа миллий

Ғоянинг моҳияти-мағзини ташкил этади.

Истиқлол мафкураси-ҳар бир кишининг жамият ҳаётидаги фаолияти, юрти, миллати, ўзи ва оиласи олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада ҳис этаётгани ва бажараётганини белгилайдиган маънавий мезон ҳамдир.

Миллий ғоянинг юртимизда яшовчи ҳар бир фуқаро учун кадрлилиги шундаки, унинг моҳиятида қуйидаги умуминсоний тамойиллар ётади:

Миллий ғоя:

-Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига асосланади. Бинобарин, у қонунийликка, умумэътироф этилган талабларга, умуминсоний тамойилларга зид келмайди;

-халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Бу миллий ғоямизнинг тарихий ва маънавий асосга эга эканидан далолат беради;

-адолат ва ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғоялари ҳамда халқимизнинг ишонч ва эътиқодини акс эттиради. Биламизки, бу улуғ ғоялар истиқлол сари интилган ҳар бир халқнинг эзгу мақсади, ишонч ва эътиқоди бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади;

-юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга ҳизмат қилади. Бу тамойил унинг жамият аъзоларини аниқ мақсад сари йўналтирувчи, уюштирувчи моҳиятга эга эканини ифодалайди;

-жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Бу олижаноб мақсадларга эришиш фуқороларнинг ҳамжиҳатлигига, ўзимизнинг бурчимизни қай даражада англашимизга, эртанги кунга бўлган ишончимизга кўп жиҳатдан боғлиқдир;

-миллати ва динидан қатъи назар, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Бу қоида Ватаннинг

муқаддаслигини ҳар бир фуқаро онгига сингдиришга хизмат қилади; -жамоатчилик қалби ва онгига фикрлар хилма-хиллиги, виждон эркинлиги тамойилларига риоя қилган ҳолда маърифий йўл билан сингдирилади. Бу миллий ғоянинг фикрлар ранг-баранглиги, эътиқод эркинлиги каби демократик тамойилларига амал қилган ҳолда ҳаётга жорий этилишидан далолат беради.

Миллий ғоянинг асосий тамойиллари қуйидагиларда намоён бўлади:

- мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадлар дахлсизлигини таъминлашга ёрдам бериш;
- қонуннинг устуворлиги, демократия ва ўз-ўзини бошқаришнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаётганига асосланганлик;
- миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига таяниш;
- халқаро ҳуқуқ қоидаларига мос келиши;
- давлатнинг бот ислохатчи эканлиги ва мамлакатда ижтимоий барқарорликнинг таъминланганлиги, ўтиш даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлиги, жамият ҳаёти барча соҳаларининг эркинлашуви, ислохотларнинг тадрижийлиги тамойилларга хизмат қилиши.

Эътибор берсак, кундалик ҳаётимизда ана шу тамойилларга амал қилиб келинаётганига амин бўламиз. Бу ўз навбатида, тинчлик-тотувлик ва барқарор тараққиётимиз асоси бўлиб хизмат қилади. Истиқлол мафқураси халқимизнинг ўзига хос табиати, иродаси, орзу-интилишларини ифодалайдиган қуйидаги миллий хусусиятларни замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутуди: халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш рухининг устунлиги. Бу маҳаллачилик, ҳашар, маросимлар ўтказиш, тўй-томошаларда яққол кўринади. Жамоа тимсоли бўлган «оилад», «маҳалла», «эл-юрт» тушунчаларининг муқаддаслиги, ота-она, маҳалла-кўй, умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътибор, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилига муҳаббат, каттага- ҳурмат ва кичикка-иззат.

Меҳр-муҳаббат, гўзаллик ва нафосат, ҳаёт абадийлигининг рамзи-

аёл зотига эҳтиром, сабр-бардош ва меҳнатсеварлик, ҳалоллик, меҳр-оқибат ва ҳоказо.

Истиклол мафкураси қуйидаги умумбашарий қадриятларни эътироф этади ва улардан озикланади:

- қонун устуворлиги;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва ҳурфикрлилик;
- дунёвий билимларга интилиш, маърифатпарварлик;
- турли миллат вакилларига ҳурмат ва улар билан баҳамжиҳат яшаш;
- диний бағрикенглик;
- ўзга халқларнинг илғор тажрибалари ва маданиятини ўрганиш ва

ҳоказо.

Шу ўринда ҳар қандай ижобий ғоянинг ўзаги бўлган ватанпарварлик туйғуси ҳақида тўхталайлик. Бу ҳар бир халқнинг қалбида яшайдиган, жумладан, бизнинг халқимиз учун ҳам энг азиз ва муқаддас бўлган туйғудир. Бу ҳақда қадимги битикларда шундай бир ривоят келтирилади.

Қадимги ҳоқонлардан бирининг юртига қўшни подшодан элчи келибди. У шундай дебди: «Шоҳимизнинг амри шулки, агар хоқон ўзининг энг севимли тулпорини бизга инъом қилмаса, юртингизга уруш эълон қиламиз». Элчининг бу гапларини вазир хоқонга етказибди. Хоқон, майли юртимнинг тинчлиги учун севимли тулпоримдан воз кеча қолай, деб тулпорни бериб юборинглар, дея буйруқ қилибди. Шу тариқа юртнинг тинчлиги ва осойишталиги бир оз вақт сақланиб қолибди. Бирмунча вақтдан сўнг ўша подшодан яна элчи келибди ва бу сафар хоқоннинг севимли канизагини талаб қилибди. Хоқон юрт тинчлиги йўлида канизагини ҳам ҳадя қилиб юборибди. Учинчи сафар яна элчи келибди. Унинг муддаосини вазир хоқонга шундай баён қилибди: «Шоҳим, юртимизнинг қаровсиз бурчагида озгина тошлоқ жой бор эди, бу сафар қўшни подшо ўша ерни беришимизни талаб қилмоқда. Келинг, шу ташландиқ жойни бериб юборайлик, шу билан халқимизнинг тинчлигини яна сақлаб қоламиз». Бу

гапни эшитган хокон: «Йўқ!»-дебди кескин. «Энди уруш қилмасак бўлмайди. Тулпор ва канизак шахсан менга тегишли эди, шу сабабли уларни осонгина бериб юбордим. Аммо Ватанимиз сарҳадларининг ҳар бир қаричида шу чокқача ўтган ота-боболаримизнинг, биз билан ҳозир бирга яшаётган ватандошларимизнинг ва келгусида туғилажак фарзандларимиз, неvara-чевараларимизнинг ҳаққи бор. Уларнинг ҳаққини ўзгага бериб юборишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Ватаннинг ҳар бир қарич ерини сақлаб қолиш учун энди урушга боришимизга тўғри келади. Халқни сафарбарликка отлантир!». Кўришиб турибдики, бу ривоятда Ватан тупроғининг ҳар бир қаричини эъзозлаш фалсафасининг илдиизи мужассамдир.

Ғоя сафарбар этувчи улуғвор фикр бўлса, мафкура эса мана шундай улуғвор ғояларни бир бутун яхлит куч қилиб бирлаштирувчи, уюштирувчи, ҳаракатга келтирувчи, бошқарувчи ғоялар тизимидир, унинг мазмун-моҳияти Президент Ислом Каримов асарларида батафсил ёртилган бўлиб, уларда айна пайтда жамият тараққиётининг бош йўналишини кўрсатувчи «миллий ғоя» тушунчасининг маъно-мазмуни ҳам очиқ берилган: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Бу конституциявий қоида бизнинг олдимизга миллий ғояни яратиш вазифасини кўяди»^[7].

Миллий ғоя кенг халқ оммасининг манфаатларини, мақсад ва идеалларини ифода этади. «Миллий ғоя, ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, гуруҳ ва қатламларнинг-бутун халқимизнинг умумий манфаатларини ифодалайди»^[8].

Манфаатлар нималардан иборат? Улар, аввало, мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигининг сақланиши, чегараларимизнинг бутунлиги ва дахлсизлиги. Буни юртимизнинг фазо ва вақтдаги яхлитлигини таъминловчи манфаат деб аташ мумкин. Иккинчидан, юртнинг тинчлиги ва осойишталиги, яъни давлатимизнинг ҳарбий, иқтисодӣ (энергетик), экологик,

информацион ва ғоявий таҳдидлардан муҳофазаланганлиги. Бу юртнинг барқарорлигини таъминлаш борасидаги энг муҳим омиллардандир. Учинчидан, мамлакатда фуқаролараро ва миллатлараро тотувлик, ижтимоий барқарорлик муҳитини таъминлаш. Бу жамиятнинг ижтимоий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган манфаатдир. Тўртинчидан, ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлигини таъминлаш, яъни бадавлатлилик манфаати. Бу манфаат фуқароларнинг жамиятда миллий даромадга эгалик қилиш, уни кўпайтиришдаги имкониятлари орқали руёбга чиқади. Бешинчидан, жамиятда адолат устуворлиги, демократия, ўз-ўзини бошқариш тамойиллари амал қилишининг таъминланиши. Бу манфаат инсон ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланишини ифодалайди.

Бундай манфаатлар барча халқ ва ҳамма давлатлар учун бирдай ҳосдир. Бу манфаатларнинг таъминланиши, энг аввало, ҳар қандай давлат мустақиллигининг асосий гарови бўлиб, шундагина халқ ўз келажагига ўзи эгалик қила олади. Бу манфаатлар муайян жамият фуқароларининг ҳамжиҳат меҳнати ва интилишлари туфайли таъминланади.

Миллий ғоя-миллий ўзликни англатувчи куч. Миллий ғоянинг асосий таянч нуқтаси ҳам ижтимоий даражадаги миллий ўзликни англата олишидадир. Яъни, миллат ўзини халқ сифатида, эл сифатида англамагунча, у ўзининг обрўи, кадр-қиммати, ор-номуси ҳақида қайғура олмайди, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини ҳис эта олмайди. Ўзликни англаш-халқни уйғатувчи, фаол ҳаракатга келтирувчи, ижтимоий уюштирувчи куч бўлиб, унинг негизида «бу-бизники» деган эгалик ҳиссиёти ётади. Албатта, бу ҳиссиёт муайян меъёردа бўлганда ижобий хусусият касб этади. Меъеридан ошганда эса, у халқни манманликка, тажовузкорликка ундайди, меъерига етмаганда эса, миллий нигилизмга, тушкунликка, хор-зорликка олиб келади. Шарқ ва Ғарбда, Осиё ва Европа халқлари ҳаётида ҳам ўзликни англаш туйғусининг уйғониши, пировард натижада, уларнинг юксалишига, бирлашишига, бошқа халқлар

билан ижобий мусобақага киришувига турткибўлган.

Шу маънода бизда ҳам «Ўзбекистон-ягона Ватан» деган туйғу юксак ижтимоий даражада шаклланмоқда. Ўзбекистон диёрида қадимдан турли цивилизация вакиллари, маданий қатламлар, хилма-хил эътиқод ва дунёқарашлар ёнма-ён яшаб келган. Бу ерда яшовчи халқ, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бошқа жойдан кучиб келиб, ўрнашиб қолган эмас. Бу замин ота-боболаримиз яшаб ўтган азалий ва муқаддас макондир. Бу замин Шарқ ва Ғарбнинг, Шимол ва Жанубнинг, қадим ўтмиш ва буюк келажакнинг туташган жойи, Марказий Осиёнинг юраги, инсоният тафаккури, фан ва маданиятининг энг кўхна ўчоқларидан биридир. Бу тупроқда жаҳонни ҳайратга солган цивилизациянинг илдизлари вужудга келган, инсоният тарихининг энг қадимги даврларига мансуб диний ва фалсафий анъаналар шаклланган. Қадимги юнон файласуфи Гераклит бу юртни «фалсафий тафаккур бешиги» деб бекорга таърифламаган.

Шуни таъкидлаш жоизки, бизнинг цивилизация ўзига хос тафаккур услубига таянади. Бундай тафаккур услуби кўп ўлчовли (яъни, бир вақтнинг ўзида бир масаланинг кўп жиҳатларини қамрай олиш), толерант (яъни, турлича нуқтаи назарлар ва мафкираларнинг бир-бирига дахл этмасдан яшай олиши, ўзгача қарашларга нисбатан тоқатлилик ва бағрикенглик) ва очиқ тизимга эга бўлгани (турлича фикрларга, нуқтаи назарларга чегара қўймаслик, ўзгача қарашларнинг кириб келишига тусқинлик қилмаслик, янгича қарашларга нисбатан тоқатлилик) сабабли юртимизда турлича қарашлар ва турлича диний эътиқодлар ёнма-ён яшай олган. Бунга бизнинг заминимизда узок, вақт ҳам оташпарастлик, ҳам буддавийлик, ҳам яҳудийлик, ҳам христианлик, ҳам ислом динлари бўлганини мисол келтириш мумкин.

Бу заминда бир ибодатхона ичида туриб турли дин вакиллари ўзаро мунозаралар олиб борган, лекин бир-бирининг инсоний шаънига тил теккизмаган. Бундай мунозараларда турли дин ва мазҳаб вакиллари

бир-биридан хайрли одатларни ўрганиб олишган ҳамда ўз динларига татбиқ этишган. Шу тариқа турли динларнинг моҳиятидаги энг илифгор инсоний анъана ва одатлар халқимиз қалбидан жой олган. Шу сабабли ҳам саховатли заминимизда яшаб ўтган буюк мутафаккирларнинг фалсафий карашларида инсоний ғоялар устуворлик қилган ва уларнинг таълимотларида воқелик кенг кўламда, теран ва мукамал ифодаланган. Бу донишмандларнинг фалсафий ғояларида синкретик (яъни, турлича ғояларнинг бир бутунликда жамлашуви) ва синергетик (ўз-ўзини такомиллаштирувчи, кенг, кўп ўлчовли ва очик системали) тафаккур услубининг устуворлиги яққол кўзга ташланади. Бунинг замирида халқимизнинг турмуш тарзида бир томондан турғун (хунармандчилик, боғдорчилик ва деҳқончилик), иккинчи томондан эса кўчманчи (чорвачилик) касбларининг азалдан уйғунлашиб келганлиги ётади. Президентимиз Ислом Каримов бу ҳақда фикр юритар экан, ана шу ҳолат ўзимизнинг худудимиздаги яйловлардан-яйловларга, қишлик ва ёзлик маконларга кўчиб ўтиш том маънодаги саҳройи халқларга хос кўчманчиликдан тубдан фарқ қилишини мантикий асосда кўрсатиб берган. «Алпомиш», «Гўрўғли», «Рустамхон» каби халқимизнинг, миллий дostonлари ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Юқорида айтилганлар тарихий жиҳатдан ўзликни англашга мисол бўлса, даврлар ўзгариши билан бу тушунча янгича маъно-мазмун касб этиб, янгича кўринишларда намоён бўлади. Масалан, иқтисодий, сиёсий, маънавий, маданий, ахлоқий, ҳуқуқий ўзликни англаш унинг турли шакллари дир. Бундан ташқари, муайян мамлакатнинг муайян ишлаб чиқариш ёки фан соҳасидаги етакчи куч сифатида ўзлигини англаш ҳоллари ҳам учраб туради. Мисол учун, Япония XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳонда электроника соҳасидаги етакчи (лидер) сифатида ўзлигини англади ва бу сифатини сақлаб қолиш учун барча чораларни кўриб келмоқда. Бугунги кунда биз учун Ўзбекистон истиқлолини асраб-авайлаш, уни сақлаб қолиш, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ

фаровонлигига таянадиган миллий ғояга асосланган ўзликни англаш туйғуси ниҳоятда зарур. «Миллий ғоя, -деб таъкидлайди Президент Ислам Каримов. -биринчи навбатда, ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»^[21].

Ўзликни англашнинг муҳим жиҳатлари нимада? Бу шундаки, мазкур ижтимоий туйғу туфайли миллат ўзининг кимлигини, нималарга кодиру нималарга кодир эмаслигини, қандай ютуқлари бору қандай камчиликларга эга эканлигини, қайси йўлдан, қаёққа бориши лозимлигини англайди. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллий ғоя халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти ва танланган йўлимизнинг тўғрилигини англаш омилидир. У ўтмишни келажак билан боғлайдиган маънавий кўприк бўлиб ҳизмат қилади. Яъни, халқимизнинг ўтмишда эришган маънавий бойликларига эгаллик қилишига, онгимизга, шууримизга сингиб кетган ўзбекона тафаккур тарзи орқали бугунги воқелигимизни акс эттиришда, уни бошқаришда ва бой тарихий тажрибаларимизга таянган ҳолда келажакимизни бунёд этишда ғоявий таянч бўлади.

«Миллий ғоя турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган социал феномен-ижтимоий ҳодисадир. Бу мафкурада бирон-бир дунёқараш мутлақлаштирилмайди ёки у мавжуд сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш мақсадида сиёсий куролга айлантирилмайди». Балки, у ўз мазмун-моҳиятига кўра, Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий тараққиётига хизмат қилади, барча сиёсий партиялар, миллат ва қавмлар, гуруҳ, ва қатламларнинг юқорида қайд этилган умумий манфаатларини ифодалайди.

Мафкурамиз том маънодаги миллий ғояга айланиши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

Инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал

ва ҳаётӣй ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш, яъни бу мафкура ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини руёбга чиқаришига имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиши;

- миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши, яъни у том маънода сўз билан ишни, назария билан ҳаётни бирлаштира олиши, Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиши;

- ҳар қандай илғор ғояни ўзига сингдириши ва ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бера олиши, яъни иккиюзламачилиқдан холи ва жамоатчиликнинг объектив фикрига таянувчи мафкура бўлиши;

- замон ва давр ўзгаришларига қараб, ўзи ифодаладиган манфаат, мақсад-муддаоларни амалга оширишнинг янги-янги воситаларини тавсия эта олиши, яъни янгича вазиятга тез мослаша оладиган ҳозиржавоб ва ижодий бўлиши.

Ана шулар ҳақиқий маънодаги миллий ғоя даражасини ифодалайди. Шундагина миллий ғоямиз айрим сиёсий кучлар ва партияларнинг бир томонга йўналтирилган тор манфаатлари чегарасида ўралашиб қолмайди, ўткинчи ёки вақтинча компанияга ҳизмат қилмайдиган умуммиллий жараёни ифодалайди. Миллий ғоя тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони сифатида, халқимизнинг туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўтайди. Халқнинг ижтимоий даражадаги ўзлигини англаши тарихий хотиранинг уйғониши билан узвий боғлиқдир. Шу тўғрисида халқ ўзининг ўтмишидан сабоқ чиқарди, қай мақсад сари, қандай йўлдан бориш лозимлигини аниқлайди ва шу асосда ўз истиқболини белгилайди.

Биринчи боб бўйича хулоса.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан кейин жамият маънавий ҳаётини соғломлаштириш ва ривожлантириш, инсон омилига катта эътибор

бериш, баркамол тарбия ғоясини шакллантириш мамлакатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири сифатида кун тартибига кўйилди.

Шу сабабли ҳам мустақил Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш, маънавий тарбиявий ишларни мунтазам амалга ошириш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланиши билан бирга баркамол тарбия ғояси асосий мақсадга айланди. Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги марказининг ташкил этилиши, таълим ва тарбия ишларини янги концепциясининг ишлаб чиқишнинг маъно-моҳияти шахсни ҳар томонлама шакллантиришда баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ва ушбу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шу муносабат билан ушбу бобда баркамол тарбия ғоясининг жамият ҳаётида, маънавий ўзгаришларида тутган ўрни, шахснинг ҳар томонлама шакллантиришда, халқнинг маънавий камолотидаги аҳамияти, миллий ўзликни тўла ва тўғри англаш имкониятлари маънавий тикланиш, покланиш ва юксалишнинг мустақил Ўзбекистон шароитида муҳим назарий муаммолари сиёсий, маънавий, фалсафий, педагогик жиҳатдан чуқур ўрганилади ва таҳлил этилган.

Баркамол тарбия ғояси инсоннинг муайян мақсад, келажакка ишонч, куч ва қудрат баҳш этиши. Инсон ақли ва қўли билан ниманики яратмасин, улар ғоя ва тушунча, билим, истеъдод, қобилият сифатида шаклланиши. Демак шахсни шакллантириш миллат, давлат, жамият маънавиятининг бир бўлаги ҳисобланиб, одамлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар, жамият ҳаётидаги шароит ва имкониятлар асосида амалга ошиши.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда муҳим эканлиги назарий жиҳатдан асосланган.

Ушбу бобда баркамол тарбия ғоясининг моҳияти, қирралари, ривожланиш имкониятлари, тарихий илдизлари, инсонга хос барча олийжаноб фазилатлари баркамол тарбия ғоясининг серқирралиги, маънавий камолот жараёнидаги аҳамияти илмий педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Баркамол тарбия ғояси барқарор бўлмаган жойда ахлоқий маданият ҳам юксак бўлмайди. Фақат қорин тўйишини, яхши кийинишни, бойлик ортиришни ўйлаган одам баркамол эгаси бўлиши қийин. Хадисларда айтилганидек, энг бой, бадавлат киши мол-дунёси кўп одам эмас, балки кўзи тўқ, нафси балосига мубтало бўлмаган шахсдир. Маънавий қашшоқ бўлган одам тўқ фаровон, маданий турмуш кечириш меъёрларини ҳам билмайди. Шу жиҳатдан ҳам ушбу бобда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда ўқитувчининг ижодий, ақлий салоҳияти унинг келажакни кўра, билиш юксак мақсадларга эришишда иймон, эътиқод, обрў –эътибор қозониш, кадр-қимматга эга бўлиши каби масалаларнинг ўқувчи шакллантириш имкониятлари ва йўналишлари ишлаб чиқилган.

Дарҳақиқат шахснинг ҳар томонлама шакллантириш заминидан онг ётади. Ўз тарихини, ватани ва халқи олдида турган вазифаларни теран англаб етган ўқувчининг шахси ҳар томонлама ривожланган бўлади. Шу муносабат билан ушбу бобда маънавий юксалиш баркамол тарбия ғоясида миллий тафаккур миллий онгнинг ақлий фаолиятларида намоён бўлиши ва шуларнинг ҳар бир шахснинг миллий манфаатларни англашда ва уларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиши ўз ифодасини топади.

Ушбу бобда ватанпарварлик – баркамол тарбия ғоясининг асосий негизи сифатида ишлаб чиқилган унда баркамол тарбия ғояларидан бири-ватанпарварлик туйғуси эканлиги ва бунда она юртнинг, халқининг тарихи ва тақдирига чуқур ҳурмат билан қарайдиган, ватан маънафатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатишга қодир бўлган шахсни вояга етказиш каби масалалар илмий назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Баркамол тарбия ғоясида ватанпарварлик тушунчаси ва моҳияти яратилган. Унда Ватанга, халқига бўлган ҳурмат, муҳаббат, ишонч туйғуси муайян умумий манфаатлар, мақсадлар асосида шаклланиб, кишиларнинг қалбидан чуқур ўрин олиш, масъулиятли вазифаларни бажаришга сафарбар этиши ва уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий аҳамияти илмий педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган. Ватан

истикболи, унинг барқарорлиги, тараққиёти бевосита инсон билимлари, тасаввурлари, эътиқодлари боғлиқ эканлигини кўрсатилган.

Ушбу бобда ватанга ҳурмат, ватанпарварлик инсон маънавиятига хос бўлган хусусиятэканлиги ва умумий жиҳатлари бевосита миллат ва мамлакат манфаатлари, тақдири, мустақиллиги билан боғлиқлиги илмий педагогик жиҳатдан асосланган.

Ушбу бобда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда Ўзбекистоннинг истикболини чуқур ўрганиш. Мустақил Ўзбекистонда ҳозир шаклланаётган ватанпарварликнинг ўзига хос моҳияти ва хусусиятларини билиш, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда Она юрт тарихини билиш ва у билан фахрланиш.

Туркистон халқларининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни билиш ва ҳурмат қилиш каби масалалар ёритилган ушбу бобда ёшларда ватанпарварлик эътиқоди шаклланишига таъсир этадиган қадриятлар она – тили, миллий, диний байрамлар, маросимлар, болажонлик, оилапарварлик, ота – онага, қўни – қўшнига, маҳалла – куйга, оқсоқолларга ҳурмат, меҳр – мурувватлилик, раҳм – шафқатлилик, поклик, инсонпарварлик, мусофирпарварлик, ҳалоллик, иймонлилик, юртимизнинг гўзал табиатидан илҳом ола билиш ва уни сақлаш истагига эга бўлишлар баркамол тарбия ғояси билан бевосита боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланган.

2. 606. ШАХСНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШДА БАРКАМОЛ ТАРБИЯ ҒОЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

2.1 Ўқувчи шахсини шакллантиришда баркамол тарбия ғоясининг хусусиятлари

Ўқувчи шахсни шакллантиришда баркамол тарбия ғояси ниҳоятда серқирра, мураккаб ва маъсулиятли вазифа.

Бу ўринда асосий эътибор баркамол тарбия ғоясининг моҳияти ва аҳамиятини ёритишга унинг шахс маънавий камолоти, мамлакат ва миллат тараққиётидаги ўрнини кўрсатишга қаратилади.

Баркамол тарбия ғояси турли фанларни ўқитиш, маърифат – тарбиявий тадбирлар ўтказиш жараёнида шаклланади. Шунинг учун ҳам ёшларни баркамол тарбиялаш жараёнида уларда ватанга меҳр, ҳурмат туғусини, масъулият, иймон, эътиқод даражасига кўтариш лозим.

Баркамол тарбия ғоясини амалга оширишда ватанпарварлик эътиқодини шакллантириш унинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Чунки, ўқувчи шахсида ватан ва унинг моҳияти, инсон ҳаёти ва фаолияти ҳақида тушунча ҳосил қилиш уларнинг баркамоллигини шакллантиришда муҳим ўрин тутаяди. Чунки, ватан ҳақидаги тушунча ўқувчини мамлакат келажаги, истиқболи, вазифалари билан таништириш билан бирга, унинг бой ва қудрати тинчлик, осойишталик, аҳиллик, биродарлик, ҳукмронлик қилсагина Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўла олиши мумкинлиги ҳақидаги билимларни камол топтиради. Бундай туйғу уларни ватан манфаатлари йўлида ҳалол, фидокорона меҳнат қилишга ундайди ўқувчи инсон учун ватан битта эканлигини, Ўзбекистон дунёдаги барча ўзбекларнинг бошини қовуштирадиган, кадр – қиммати, манфаатларини ҳимоя қила оладиган, порлоқ истиқболини таъминлай оладиган ягона мамлакат эканлигини билмоғи ва кадрламоғи керак.

Баркамол тарбия хусусиятларидан бири Ўзбекистоннинг истиқболини чуқур ўрганишдир:

Бу хусусият мустақил мамлакатимиз истиқболи ва истиқлоли билан боғлиқ бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий муаммоларни чуқур англаб етиш асосида шаклланади. Ўқувчи ўз ватанининг кадр-қиммати, имконияти ва шароитларини, ёрқин истиқлолни тўла билиб келажакка умид ва ишонч билан боришга қодир бўла оладилар.

Истиқбол билан боғланган фаолиятнинг катта - ю кичиги бўлмайди. Инсон ўз ҳаётининг ҳар бир дақиқасида, босган қадами, қилган иши - ю, айтган сўзларидан Ватан олдидаги бурчи ва маъсулиятини унутмаслиги лозим. Машҳур форс шоири М.Солмон Соважий ёзганидек:

Ватанга нафи йўқ яшаган ҳар кун

Инсон ҳаётини қилур бемазмун.

Ҳовлимиз, кўчамиз, маҳалламиз обод бўлсин деб кўчат эксак, бирор жой ифлос бўлса, уни ачиниб, куйиб – пишиб тозаласак, бутун билимимиз, хунаримиз ёшларга меҳр билан ўргатиб, уларни тарбияласак, фан ва техниканинг энг илғор ютуқларини эгаллаб, ривожлантириб, ҳаётга тадбиқ этсак, ишбилармонлик, тадбиркорлик йўлидан бориб, яхши сифатли маҳсулот ишлаб чиқарсак, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганимизда истиқлол учун ватанпарварлик туйғуларини намоён қилган бўламиз.

Дарҳақиқат ватан обрўси бизнинг обрўйимиздир. Бу обрўнинг аҳамиятини пул билан, вақтинча фойда келтириб турган ишлар билан ўлчаб бўлмаслигини ўқувчиларга тушунтириш ҳар бир ўқувчининг вазифасидир.

Бизнинг бир – биримизга бўлган муносабатларимизни кўрган одам миллий маънавиятимиз даражасига ҳам баҳо беришга ҳаракат қилади. Ватан миллат олдидаги бурч маъсулиятни ҳар доим хис қилиш баркамол тарбия ғоясининг асосий мазмунини ташкил этади.

Баркамол тарбия ғоясининг асосий хусусиятлардан яна бири бу мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган ҳолатларни ўқувчилар онгига етказишдир.

Мустақил Ўзбекистонда шаклланаётган тараққиёт тақдирини ўз қўлига олган, она юртнинг бой имкониятларидан истиқлол ва истиқбол манфаатларини кўзлаб оқилона фойдаланиш йўлига ўтган, миллий бирлик, бирдамлик, тенглик ва тенг ҳуқуқлилик борасидаги кадриятларга таяниб, миллий ўзликни англаб бошлаган халқнинг маънавий фазилатидир.

Республика аҳолисини асосий қисмини ташкил этувчи ўзбекларнинг шу тафаккур, ота – боболаридан мерос бўлиб қолган заминдан бошқа Ватани йўқ. Ўзбеклар шу она диёрни севади, унинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Бу ўзбек миллий ватанпарварлигининг маънавий ижтимоий илдизларидир.

Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ҳам мустақил республикамизда вазият барқарор бўлиб, ижтимоий иқтисодий, маданий тараққиёт суръатлари тезлашувидан манфаатдорлар. Республикамизда яшаётган бошқа халқлар вакилларининг мамлақтимизнинг тарақиётига, ижтимоий – сиёсий барқарорлик сақланишига қўшган ва қўшаётган ҳиссаси ортиб бормоқда. Бу эса Ўзбекистон ватанпарварлиги умумхалқ маънавиятига айланганлигини кўрсатади.

Баркамол тарбия ғоясининг хусусиятларидан бири бу ўқувчида она юрт тарихини билиш ва у билан фахрланиш ҳис туйғуларини шакллантиришдир. Бизга маълумки, тарих фани ўтган даврларнинг саҳифасигина эмас, балки ўқувчиларнинг маънавияти, иймони ва эътиқоди, руҳий кайфиятига кучли таъсир этувчи омилдир. Баркамол тарбия жараёнида ўқувчи шахсида ана шу ҳис-туйғуларни камол топтириш уларни она Ватан тарихини холисона билиш, ўтмишни тўғри англаш билан бирга, аждодлар тажрибасини ҳисобга олиб, мустақил ривожланишнинг янги имкониятларини топишга йўл очишга, ватанни янада чуқурроқ эътиқод билан севишга олиб келади. Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади.

Шундай экан баркамол тарбия ишлари жараёнида Туркистон, Ўзбекистон халқлари тарихининг ўқувчиларда ватанпарварлик эътиқодини мустаҳкамлашга бевосита таъсир этадиган қуйидаги саҳифаларни кенг ёритиш зарур:

-Турон, Туркистон инсон авлоди шаклланган илк манзиллардан бири эканлиги (Тешиктош, Селенғур топилмалари ҳақида маълумотлар);

- Турон, Туркистон заминида миллий давлатчилик шаклланиши, ривожланиши тарихи, анъаналари ва кадриятлари;

-Туркистон замини инсоният цивилизацияси шаклланишининг йирик манзилларидан бири экани;

-Қадимги Паркан, Бактрия, Хорамизх, Суғдиёна, Таҳаристон, Турк хоконлари даврида шаклланган маданият, диний – фалсафий мероснинг таҳлили;

-Араблар Марказий Осиёни босиб олиши арафасида Туркистонда мавжуд бўлган ижтимоий – иқтисодий, маданий ҳаёт даражаси;

Туркистонда ислом цивилизацияси ривожланишининг тарихий, ижтимоий, илмий маданий илдишлари;

- Сомонийлар, Қарахонийлар, Темурийлар, Шайбонийлар даврида Туркистонда фан ва маданият ривожиди;

-Амир Темур-буюк давлат арбоби, саркарда, фан, маданият ҳомийси, ватанпарвар экани;

Туркистон халқларининг ажнабий босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашлари саҳифалари, миллий далавлатчиликнинг шаклланиши, ривожланиши билан боғлиқ бўлган тарихий мерос ва анъаналар;

- Туркистонда ривожланган жаҳидчилик, маърифатчилик-етук ватанпарвар намунаси сифатида;

- илғор зиёлиларнинг совет тузими даврида олдинга сурган миллатпарварлик ғоялари – миллий манфаатларни ҳимоя қил иш йўли эканлиги.

- Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ўзгаришларнинг миллатимиз, мамлакатимиз тарихи ва тақдиридаги ўрни.

Бу тарихий жараёнларни ўргатиш баркамол тарбия мақсадлари билан боғламоқ зарур.

Баркамол тарбия хусусиятларидан бири бу Туркистон халқларининг жаҳон фани ва маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини ўқувчилар онгига етказишдир.

Бунда Турон, Туркистон жаҳоншумул илмий кашфиётлар, бетакрор меъморчилик, саънат ва маданият обидалари, деҳқончилик, чорвачилик,

хунармандчилик, тижоратчилик, ишбилармонлик анъаналари юзага келган ва тараққий замин, мукамал диний-орифий, фалсафий таълимот бўлган зардуштийлик, буддачилик ва маздакчилик ғоялари ватани;

-Туркистонда VIII – XI асрларда фан, маданият, санъат ривожланишининг ички ва ташқи сабаблари;

-Туркистоннинг бетакрор меъморий ёдгорликлари ва уларнинг жаҳоншумул аҳамиятлари;

- Ўзбек олимлари, ёзувчилари, маданият арбобларининг ҳозирги кунда жаҳон фан ва маданиятига қўшаётган ҳиссалари.

Бу масалани маърифий – тарбиявий ишлар жараёнида кенг ёритиш ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиради. Миллий ифтихор ҳам ватанпарварлик белгиларидан биридир.

Баркамол тарбия хусусиятларидан бири миллий ва умуминсоний қадриятларни билиш ва ҳурмат қилишдир.

Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қадриятлар миллат тараққиёти, унинг тарихи ва маданияти, халқнинг яшаш ва меҳнат қилиш шароитларини ўзида мужассамлаштирган, турмуш тарзи, ахлоқи, эътиқоди, психологияси билан боғлиқ бўлган анъаналардан ҳисобланади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар жумласига она – тили, миллий, диний байрамлар, маросимлар, болажонлик, оилапарварлик, ота – онага, қўни – қўшнига, маҳалла – куйга, оқсоқолларга ҳурмат, меҳр – мурувватлилик, раҳм – шафқатлилик, поклик, инсонпарварлик, мусофирпарварлик, ҳалоллик, иймонлилик, юртимизнинг гўзал табиатидан илҳом ола билиш ва уни сақлаш истагига эга бўлиш кабилар киради. Булар умуминсоний маънавий қадриятлар ҳамдир. Мамлакатимизда кенг нишонланаётган мустақиллик байрами, Конституция куни ва бошқа тантаналар баркамол тарбия ғоясининг мустаҳкамланишига бевосита таъсир этади.

Ўқувчилар ўз халқининг тарихи, маданий меросини билиш билан чекланмай, бошқа халқларнинг маданияти ва миллий қадриятларининг ҳам чуқур билишга, ижодий ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

Баркамол тарбия ғоясининг хусусиятларидан яна бири ҳуқуқий, ахлоқий бурч ва маъсулият туйғуси бирлигидир.

Жамият тараққиёти натижасида инсон камолоти, яшаш ва меҳнат қилиш учун имкониятлар кенгаяди. Бу эса ҳар бир фуқаро ватан олдидаги ўз бурчи ва маъсулиятини англаши заруриятини ҳам келтириб чиқаради. Жамиятда яшаш унинг имкониятларидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишигина эмас, балки муайян ҳуқуқий, ахлоқий мезонларга риоя қилиш ҳамдир.

Бурч-жамият ҳар бир фуқаронинг зиммасига юкланган вазифалардир. Маъсулият шу бурчни англаб, унга асосланиб фаолият қилишга қаратилган маънавий омил. Бурчни ҳис қилмаслик, маъсулиятсизлик- ватан, халқ манфаатларига, истиқбол муаммоларига бефарқ, лоқайдлик билан ёндошиш белгиси. Қадимги аждодларимиз комил инсон ўз бурчни ҳис қилмаслик маъсулиятсизлик-ватан, халқ манфаатларига, истиқбол муаммоларига бефарқ лоқайлик билан ёндошиш белгиси. Қадимги аждодларимиз комил инсон ўз бурчи ва маъсулиятини англаши ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуини, замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан мурасасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина нафсини тияди, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилмайди, садоқатли бўлади, ватани, халқи учун жонини фидо этишга тайёр бўади.

Баркамол тарбия ғоясининг хусусиятларидан яна бири бозор муносабатлари шароитида ватанпарварлик туйғусининг шаклланиши ва ривожланишидир.

Бозор-олди-сотти бўладиган жойгина эмас, балки миллат маданияти, маъсулияти, ҳалоллигининг ҳам кўрсаткичидир. Ватанпарвар миллатгина ўз мамлакатада ҳалолликга асосланган бозор муносабатларини янгилашга қодир.

Шунинг учун ҳам ватанпарварлик тарбиясини амалга оширишда шахсий ва ижтимоий манфаатлар нисбатини, бозор иқтисодиётига аста-секин, ижтимоий ларзаларсиз ўтиш сиёсатнинг маънавий моҳиятини, шахсий, гуруҳий манфаатлар ватан, миллат тақдири, манфаатлари билан боғлангандагина самарали бўлиши мумкинлиги англаш зарур.

Бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларда ҳалоллик, иймонлилик, виждонлилик, бировнинг ҳаққига ҳиёнат қилишдан қўрқиш, меҳр-мурувватлилик, ҳайр-эҳсон қилиш сингари фазилатларни шакллантиришда миллий ахлоқий кадриятлардан, Қуръон карим, ҳадислар, шариат қоидаларида олдинга сурилган маънавий қомиллик мезонларидан кенг фойдаланиш лозим.

Баркамол тарбия ғоясининг хусусиятларидан бири она юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилишдир.

Бу борадаги масъулият туйғусини тарбиялашда ўқувчида мустақиллик шарофати демократиянинг шарқона анъаналари ривожланишини тушуниш, уларда жамоатчилик фикрини ҳурмат қилиш, узоқни ўйлаб иш тутиш, эҳтирос ва ҳиссиётларга берилмаслик, ҳар қандай оғир вазиятда ўзини тута олиш маданиятини шакллантиришга катта эътибор бериш зарур.

Тинчлик, аҳиллик, осойишталик барқарорлик бўлган жойдагина тараққиёт бўлиши, инсон ўз орзу-умидларига етиши мумкинлигини ёшлар англаши ватанпарварлик эътиқодининг бурч, масъулият даражасига кўтарилишига олиб келади.

Баркамол тарбия ғоясининг хусусиятларидан яна бири ҳалол, ижодий, фидокорона меҳнат қилиш ва ватан бойлигига бойлик, қудратига қудрат қўшишдир.

Инсонни истиқбол ва истиқлол манфаатлари йўлидаги ҳалол меҳнати улуғлайди. Ўлкамизнинг бойликлари, имкониятларидан самарали, узоқни кўзлаб, давр талаблари, фан, технология ва техника ютуқларига асосланиб фойдаланиш, фаолиятнинг ҳар бир соҳасида ватан, миллат истиқболи кўзлаб яшашдир. Ўлкамиз ресурслари талон-тарож қилинишига, атроф-муҳит ифлосланишига йўл қўймаслик, ишбилармонликнинг самарали, ижтимоий фойдали йўллари излаш, тижорат четдан мол олиб келиб сотиш билангина чекланмаслик баркамол тарбия ғояси билан узвий боғланган. Четга хомашё юбориб, тайёр маҳсулот келтираверсак, сиёсий, иқтисодий қарамликнинг бир шаклидан иккинчи шаклига тушиб қолишимиз мумкин. Бу масалаларни билиш ўқувчиларнинг ватан, халқ, истиқбол олдидаги масъулиятини кучайтиради.

Ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини ривожлантиришда илғор фан ва техника ютуқларига таяниш ҳам ватанпарварлик масъулиятига киради. Четдан техника ва технология сотиб олавериш, уларни ўзимизда ишлаб чиқармаслик мамлакат учун хатарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ёшлар тўла англаши лозим. Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш эвазига ички бозорни таъминлаш ва экспорт қилишни иқтисодий тараққиётнинг бош йўли деб билиш ватанпарварлик сифатида баҳоланади.

Тадбиркорликка, мулкчиликнинг турли шакллариغا муносабатларни доим такомиллаштириб бориш, меҳнат, меҳнат фаолиятининг ҳамма жабҳаларида ватан ва миллат истиқболини ўйлаб изланишда бўлиш истагини турли тарбиявий омиллар ёрдамида шакллантирмоқ керак.

Ўқувчиларни меҳр-мурувватлиликка, раҳм-шафқатлиликка, ҳалоллик ва инсофлиликка, ҳайр-эҳсонлиликка ўргатиш зарур. Ҳалол, фидокорона меҳнат, инсонпарварлик билан боғланган ватанпарварлик барча фуқароларга хос фазилат бўлиши лозим.

Баркамол тарбия ғоясининг хусусиятларидан бири халқаро муносабатларда миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйишдир.

Халқаро муносабатларда қатъиятлик, донолик, узоқни кўра билиш, хорижда ишлаётган, таълим олаётган Ўзбекистон вакилларининг юртимиз, илғор технологияни ўрганиш ва уларни ватанимизда қўллаш бошқа давлатларда таълим олаётган ёшларнинг ватан олдидаги бурчи, масъулиятидир. Хорижий мамлакатларда ўзбек халқининг бой тарихи, маданий мероси, республикамызда ҳозирги кунда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳатларни моҳияти ва мақсадларини тарғиб этиш баркамол тарбия ғоясига боғлиқ.

Баркамол тарбия ғоясининг хусусиятларидан бири ҳарбий ватанпарварлик анъаналарига содиқ бўлиш, ўқувчиларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашдир.

Ўзбекистоннинг ҳимоя қилиш – фуқароларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Шундай экан ўқувчиларга мустақил Ўзбекистоннинг ҳарбий доктринасида белгиланган вазифалар, ҳозирги халқаро вазият, мустақил ватанимизнинг мудофаа

қудратини ошириш ҳақидаги билимларни уларнинг онгига чуқур сингдириш керак. Ўқувчи ўртасида ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тадбирларни умумтаълим мактабларидаёқ кенг йўлга қўйиш зарур. Чунки ватанни ҳимоя қилиш-аждодлар руҳини шод қилиш, улар қолдирган моддий, маънавий бойликларни авайлаб асраш билан бирга олиб борилади. Ҳадисларда ҳам ватан ҳимояси учун ҳарбий хизматни ўташ савоб ишлар жумласига киритилган. Ўзини ҳимоя қилишга қодир бўлган мамлакатгина истиқболи порлоқ давлат бўлиши мумкин.

Ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг йўлларига ўқувчиларнинг маънавий камолоти ва жисмоний саломатлигини таъминлаш, ҳарбий техника ва ҳарбий санъат сирлари билан мукамал танишиш, ҳарбий низом ва интизомга риоя қилиш, ёшлар ўртасида маҳаллийчилик, гуруҳбозлик ва ашаддий миллатчилик кайфиятлари кучайишининг олдини олиш, ҳарбий хизматга кузатиш маросимларини танланади ўтказиш каби тадбирлар киради.

Баркамол тарбия ғоясида Ўзбекистоннинг давлат рамзларига ҳурмат хусусияти муҳим ўрин тутади.

Давлат рамзларига ҳурмат жаҳондаги барча маданий халқлар эътиқодидаги анъана бўлиб, шахс маданияти, бурч ва масъулият туйғуси, ватанпарварлик эътиқоди даражасининг белгиси бўлган. Шунинг учун ўқувчиларда мустақил Ўзбекистоннинг давлат рамзлари-туғро (герб), байроқ, мадҳиянинг мазмуни ва моҳиятини тушуниш маданияти ва масъулиятини шакллантириш лозим. Давлат рамзларини мамлакат ичида, хорижий давлатлар бўлганда ҳам миллий ифтихор манбаи сифатида қадрлаш ва эъзозлаш зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда амалга ошаётган миллий уйғониш ва покланиш жараёнлари фуқароларнинг янгича ватанпарварлик эътиқоди шаклланишига олиб келмоқда. Шу сабабли, ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш таълим тарбия ишлари олдида турган масъулиятли вазифа саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кўрсатиб ўтгандек, мустақил давлатимизнинг бугунги бош вазифаларидан бири юртим деб, элим деб қуйиб, ёниб

яшайдиган комил инсонни тарбиялашдир.

Баркамол тарбия ғоясининг долзарблиги халқаро вазият, Марказий Осиё минтақасидаги аҳволнинг кескинлиги, мамлакат ҳавфсизлиги, мудофаа қувватини мустаҳкамлаш зарурияти билан ҳам белгиланади.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятмиз тубдан янгиланаётган, бозор иқтисоди шаклланаётган ҳозирги мураккаб пайтда ўлказилаётган иқтисодий, сиёсий ислоҳатларига лоқайдлик билан қараш, мансабпарастлик, маҳаллийчилик, қонунбузарлик, порахўрлик, ватанфурушлик, шахсий манфаатлар билангина чекланиб қолишлик, мустақилликнинг қадрига етмаслик, миллий калондимоғлик, ватан ва халқ олдидаги масъулиятни етарли англамаслик иллатларини тарбиявий ишлар орқали бартараф этиш зарур.

2.2 Ўқувчиларда миллий онгни шакллантириш баркамол тарбия ғоясининг асосидир.

Миллий онг бир миллатга мансуб бўлган кишилар ўз ватанининг, халқининг тарихи, аجدодлари қолдирган мерос ва амалий тажрибани умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ равишда чуқур ўрганиши ва ўзлаштириши, миллат кадр-қиммати, обрў-эътиборини баланд кўтариши, мамлакат имкониятлари, миллий манфаатларни чуқур англаган ҳолда истиқлол ва истиқбол йўлида фидокорона ҳизмат қилиш, бошқа миллатларга ҳам адолатли муносабатда бўлиш, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларини ҳурмат қилиши асосида шаклланади.

Миллий онг баркамол тарбия ғоясининг асосини ташкил этади. Демак, миллий онг баркамол тарбия натижаси сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам миллий онг баркамол тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади. Миллий ўз-ўзини англаш, ўз навбатида, маънавий камолотга янги имкониятлар, уфқлар очади. И.Каримов кўрсатиб ўтгандек "ҳаққоний тарихни билмасдан туриб... ўзликни англаш мумкин эмас".^[10]

Шундан кўринадики, миллий онг оддий ҳис, туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, илмий, мафкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир.

Миллий онгнинг моҳияти, мазмуни миллат ўз-ўзини англаши даражаси билан боғлиқ бўлади. Миллий онг шаклланган эътиқодлар, мақсад ва манфаатлар тизими, миллий ўз-ўзини англаш эса шу тизимнинг шаклланиш жараёнидир. Миллат даставвал ўзини англамоғи, тарихи, тақдири, истиқболи, манфаатларини чуқур тушуниб етмоғи лозим. Шундан кейингина бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий хусусиятлари ва манфаатларига холис баҳо бериши мумкин. Ўзлигини англаб, миллий онги камол топаётган миллатгина бошқаларни ҳам англаш имконига эга бўлади.

Мустақиллик шароитида ўқувчиларни тарбиялашда миллий онгнинг қуйидаги жиҳатларига асосий эътибор бериши зарур.

Миллий онг-миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси шаклланиши ва ривожланишининг асоси.

Миллий онгнинг белгиси бўлган миллий бирлик, бирдамлик, масъулият туйғуси -миллатпарварликдир. Шу туйғу асосида инсон ўзини алоҳида этник гуруҳга мансублигини англайди, тарихи ва қадрини чуқурроқ билишига интилади, ватан манфаатлари йўлида фидойилик намуналарини кўрсатади, ўз халқига мансуб бўлган кишилар билан бирлашиб, миллий манфаатларни ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Миллий онги етук, бирлик туйғуси кучли бўлган миллатгина ёрқин истиқболга, ўз мақсадларига эришади. Бундай миллатни итоатли қулларга айлантириб бўлмайди. Миллий бирлик, масъулият туйғусини заифлашиши мамлакат, халқ ҳаётида бўладиган инқирозларга сабаб бўлади.

Миллий онглилик - ўз-ўзини мустақил идора қила олиш маданияти ҳамдир.

Миллий бирликнинг ғоявий асослари билан бирга, ташкилий томонлари ҳам аҳамиятлидир. Бу борадаги вазифалар миллий бирликнинг барқарорлаштириш учун ўз ватанини ҳимоя қила олиш, миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш масаласини кун тартибига қўяди. Шу сабабли миллий бирлик ғояси иқтисодий, сиёсий мустақилликка эришиш, мустақилликни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Иқтисодий, сиёсий жиҳатдан бошқаларга қарам

бўлган мамлакатда мустақил миллий давлат барпо этиш қийин. Миллий бирлик, ирдамлик барқарор бўлган жойдагина миллий давлат, тил маданият, қадриятлар, анъаналар юксалиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Миллий онг заминида шаклланган миллий бирлик - миллий мафкура, миллий виждон, миллий ахлоқ ҳамдир. Бинобарин, миллий бирлик туйғуси олдин кишиларнинг қалбида мафкура, эътиқод, ахлоқ сифатида шаклланади ва шундан кейингина катта тарихий, ижтимоий-сиёсий куч сифатида аҳамият касб этади. Мустақилликни қўлга киритиш, унинг имкониятларидан самарали фойдалана билиш миллий онг, миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси қай даражада ривожланганлигига боғлиқ. Мустамлакачилик даврини қўмсаш, қандай шароитда, кимнинг қўли остида яшасак ҳам, қорнимиз тўйса, устимиз бут бўлса, бизга шу нарса етарли деб ўйлаш миллий онг заифлигининг белгисидир.

Миллий онг, миллий бирлик, бирдамлик туйғуси диалектик бирликни ташкил этади. Миллий бирлик ва бирдамлик туйғуси етук миллий онг асосида шаклланади ва ўз навбатида, миллий онгнинг ривожланиши ва барқарорлашига катта таъсир кўрсатади.

Миллий онгнинг моҳияти миллий бирлик ва бирдамлик туйғусига нисбатан кенгрок ва чуқурроқдир. У миллатга хос маънавиятнинг барча жабҳаларини ўз ичига олса, миллий бирлик, бирдамлик туйғуси шу яхлитлашган маънавиятнинг амалда намоён бўлишидир. Шулардан кўринадики, миллий онг ҳар бир шахс ўзининг муайян ижтимоий-этник бирликка мансублигини англаши, шу бирликнинг яшаши ва ривожланиши учун зарур бўлган моддий ва маънавий эҳтиёжларни тушуниши ҳамда уларга ўз муносабатини билдиришидир. Ҳар бир тадбир миллат ўз-ўзини англашидан бошланади. Миллат истиқболи билан боғлиқ тадбирлар заминида миллий манфаатларни англаш ётади.

Миллий онг, миллий ахлоқ, психология каби абадулабад белгилаб қўйиладиган, қотиб қолган ҳодиса эмас. Миллий онг ҳар бир халқнинг тарихий ривожланиши жараёнида ўзгариб, такомиллашиб боради. Тарихнинг бурилиш даврларида миллий онгда ҳам қонуний тарзда катта ўзгаришлар юз беради. Миллий мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини англаб етиш натижасида миллий онгнинг

Ўсиш суръатлари тезлашиб кетади. Миллий уйғониш, шак-шубҳасиз, миллий ҳис-туйғуларни жунбишга келтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозирги кунда ички миллий адоватларни, халқларнинг бир-бирига ишончсизлигини қасдан авж олдиришга, миллий онгни уйғотиш ўрнига, уни сўндиришга ҳаракат қилувчи кучлар ҳам бор. Бундай кучлар халқларнинг миллий мустақиллиги мустаҳкамланишидан қўрқувга тушмоқдалар. Бундан ташқари, миллий онглилик асосида миллий худбинлик ёки мўшшый калондимоғликнинг юзага келшп хавфи ҳам бор. Ана шуларни олдини олиш керак.

Миллий онг тарихимиз ва тақдиримиз бирлигини, бир этник гуруҳга мансуб эканимизни англашдир. Шу асосдагина миллат вакиллари ўртасида бирдамлик, аҳиллик, ҳамжихатлик, умумий мақсадлар йўлида бир ёқадан бош чиқариб, кўлни-кўлга бериб ҳаракат қилиш масъулияти шаклланади.

Ягона миллат бўлган ўзбекларнинг ота-боболари айрим даврларида турли давлатлар ҳудудида яшаганлар, XVII - XIX асрларга келиб улар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар бир қадар заифлашган. Маҳаллийчилик иллатлари, маълум маънода, тарихнинг шу даврларида кучайган.

Ўзбекистон мустақилликка эришиб, ўз тараққиёти йўлини танлаб олган ҳозирги шароитда маҳаллийчиликка қарши кураш олиб бориш катта амалий аҳамиятга эга. Ёшлар қайси вилоятдан бўлишидан қатъий назар, бир миллат фарзандлари эканликларини, миллий бирлик ва бирдамликни таъминлабгина Ўзбекистонни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантириш мумкинлигини чуқур англаб етмоқлари керак. Миллий бирлик туйғуси кишиларнинг қалбида чуқур томир отмаса, иймон ва эътиқодга айланмаса, миллатнинг истиқболи порлоқ бўлмайди, миллий онг ривожланмайди.

Миллий онг шаклланиши ва ривожланиши миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш, ҳаётга кенг жорий қилиш баркамол тарбия ғоясининг асосини ташкил этади.

Миллий ўз-ўзини англаш жараёни чуқурлашишининг асосий шартларидан бири

хам шу. Ўзбеклар инсониятнинг маънавий камолотига ижобий таъсир кўрсатган бой маданий мерос, буюк кадриятларнинг эгаси. Ота-боболаримиздан қолган улкан моддий ва маданий меросни бир дарё деб тасаввур этсак, бу борадаги билимларимиз ундан бир томчи холос.

Яқинларга қадар ўз маданий меросидан беҳабар бўлган миллат эдик. Бу бизнинг миллий лоқайдлигимиз билан белгиланган фожеа эмас, балки 135 йил давомида изчиллик билан амалга оширилган мустамлакачилик сиёсатининг натижасидир. Ҳозирги кундаги энг муҳим вазифалардан бири феодал тарқоқлик, мустамлакачилик ва совет тузуми даврларидаги ғафлат уйқусидан тезроқ, уйғониш, миллатимизнинг истеъдоди, қобилияти, кадр-қимматини жаҳонга тўлароқ намоён этиш ҳисобланади. Ўзбеклар ким эканини фақат уларнинг ўзигина эмас, балки жаҳондаги барча халқлар ҳам яхши билсин. Ҳозирга қадар ўтмиш аجدодларимизнинг жаҳон фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси ўзимиздан кўра дунёдаги кўплаб мамлакатларда маълум ва машхур эди.

Мустақиллик йиллари давомида тарихимиз ва маданий меросимизни ўрганиш борасида катта тадбирлар, жумладан Имом Бу-хорий, Имом Исо Термизий, Нажмиддин Кубро, Замахшарий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Боҳовуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Аҳмад Фарғоний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқаларнинг таваллудига бағишланган йирик анжуманлар, тантаналар ўтказилди. Буюк Темур ҳақидаги тарих ҳақиқати тикланиши ҳам маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Булар миллий онгимиз ўсиб, тарихимизга ҳурмат билан қараш йўлидан бораётганимизнинг ифодасидир. Тарих ҳақиқатини тиклаш - ўзбек миллатининг обрў-эътиборини, кадр-қимматини, ўзига ишончини тиклаш демақдир.

Миллий онг – миллий масъулият ҳамдир. Миллий масъулият ҳар бир фуқаро ўз манфаатларини миллат, миллий давлат манфаатлари билан боғлай олишидир.

Бозор муносабатларига ўтиш, ишбилармонлик, тадбиркорликка кенг йўл очилиши миллий ва фуқаролик масъулияти масаласини тушунишга ҳам янги жиҳатлар киритди. Миллий масъулиятнинг муҳим жиҳати миллий манфаатларни

англашда кўринади. Шахс ва унинг манфаатларини сиёсий ақидалар соясида қолдириб кетган, мавҳум ижтимоий манфаатларнинг тўлиқ ҳукмронлигини таъминлашга мослаштирилган сиёсат ва мафкура барҳам топди.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида шахс, унинг фаолияти, қобилияти ва имкониятлари, манфаатлари муштараклиги тобора серқиррароқ бўлиб кўзга ташланмоқда. Лекин бу янги шароитлар ва имкониятлар ҳар бир шахс фақат ўз манфаатлари доирасида қолиб кетиб, бошқалар билан иш бўлмаслиги керак, деган маънони билдирмайди. Агар кишилар ўз манфаатлари қобиғида қолиб, уларнинг ҳар бири алоҳида дунё бўлиб қолса, манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар ҳам кучайиб кетади. Бундай ҳолда маънавий тубанлашиш бошланади, жамиятда ижтимоий фалокатлар юз беради. Шахсий манфаатлар муаммоси қанчалик тез ва ҳар томонлама ҳал этилмасин, ҳар бир инсон мавжуд ижтимоий муносабатлар мажмуасига киради.

У қанчалик ақлли, тadbиркор, ишбилармон бўлмасин, унинг бутун ҳаётий фаолияти одамлар жамоасидаги муносабатлардан ташқарида бўлмайди. Бу борадаги боғлиқликни англаш, ҳар ишда ватан, миллат манфаатларини ўйлаш ҳам миллий ва фуқоралик масъулияти ҳисобланади. Масъулиятни сезмай ўз ҳуқуқи учун курашиш ҳам маънавий заифликнинг белгисидир. Бурч, масъулият туйғуси ўз ҳаққи, ҳуқуқини англашга асос бўладиган маънавий заминдир. Уз ҳуқуқини таниган, талаб қилган инсон бошқаларнинг ҳам ҳуқуқини ҳурмат қилмоғи зарур. Акс ҳолда шахснинг ўз ҳуқуқи учун курашиши худбинликка айланиб кетади. Ҳар қандай даврда ҳам жамиятда тараққиёт, тинчлик, тотувлик, осойишталик, инсонпарварлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик бўлсагина шахснинг орзу-умидлари ушалади. Ҳар шахс ўзини жамиятининг, халқининг бир бўлаги деб билиши, манфаатлар муштараклигини тушуниши, ўз фаолиятида бошқа шахслар, миллатлар, мамлакат ва бутун инсоният манфаатларини ҳам эътиборга олиши маънавий камолатнинг ифодасидир.

Демак, миллий онг миллий манфаатларни англаш ҳамдир. Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг равнақи, ютуқлари мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқоронинг ютуғидир. Мамлакатимиз тинч бўлиб, ҳамма ерда осойишталик барқарор бўлса, миллатимиз аҳил ва бирдам бўлиб яшаса, бу ҳар бир фуқоронинг бахти ҳисобланади. Мамлакат, миллат

манфаатларини ўйламайдиган кишилар ўз тақдирига ҳам бефарқ қарайдилар. Шунинг учун инсоннинг яшаши ва меҳнат қилиши миллат ва мамлакат манфаатларини чуқур англаши билан боғлиқ, Мустақил тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида инсон маънавий масъулиятининг миллий онг ўсиши, фуқаролик масъулияти билан боғлиқ томонларига ҳам жиддий эътибор бериш зарур.

Ҳозир Ўзбекистонда ижтимоий, иқтисодий муносабатлар ҳар томонлама камол топишига шароитлар яратилмоқда. Асрий анъаналаримиз билан бевосита боғлиқ бўлган ишбилармонлик, тижорат ҳам кенг ривож топмоқда. Лекин миллий онг ва масъулият туйғуси ҳаммамиздан XXI асрда яшаётганимизни, мустақил тараққиётимизнинг иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини тўлароқ ва чуқурроқ тушунишимизни талаб қилмоқда. Бу масалаларни ҳам шахсий манфаатлар қобиғидан чиқиб, етук маънавият заминидан, миллий манфаатларни эътиборга олиб таҳлил қилмоғимиз керак.

Миллий манфаат ва масъулият бир-бирига боғлиқдир. Манфаатларни англаш, белгилашда масъулиятни тўла ҳис қилиш ҳам маънавий етукликни кўрсатади.

Иқтисодий камолот ва тараққиёт муаммоларини фақат тижорат билан боғлаш, ундан бошқа имкониятларни кўрмаслик, кўришга ҳам интилмаслик миллий манфаатларни тўлиқ англамасликнинг белгисидир. Бу ердага фожиа истикболни чуқур кўрмасликда эмас, балки кўришга интилмасликдадир. Фан ва техника тараққиёти ютуқларини тўлиқ ўрганиш, ривожлантириш, ҳаётга тезда ва самарали татбиқ этиш ҳозирги миллий манфаатларимизнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Бу - чуқур англанилган манфаатдир. Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагига асосан ҳашаматли бозорлар, майда ҳунармандчилик корхоналар, масжидлар орқали эмас, балки ўқув юртлари, илмий ташкилотларнинг эшикларидан кириб борамиз.

Етук миллий онг бошқа халқларнинг тарихи, маданияти, қадр-қимматини ҳурмат қилишни ҳам ўз ичига олади. Ўзбекистон худуди ҳамма вақт кўп миллатли бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Бу ўлкада ўзбеклардан ташқари қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, уйғурлар ва бошқаларнинг ота-боболари ҳам яшаб ўтган. Миллий муносабатларни ижтимоий адолат мезонлари асосида ривожлантириш, барча халқларнинг тили, маданияти, урф-

одатларига хурмат билан қараш, уларни ривожлантириш учун имкониятлар яратиб бериш, ҳамма соҳада дўстлик, аҳиллик, ҳамжихатлик, ҳамкорликни таъминлаш мустақил Ўзбекистон тараққиётининг асосий маънавий омилларидан биридир.

Ўзбеклар ҳамма вақт мусофирпарвар, меҳмондўст халқ бўлган. Бу бизнинг оддий одатимиз эмас, балки мустаҳкам миллий эътиқодимиздир. Ҳадисларда шундай табаррук сўзлар ёзилган: «Кимки мусулмон мамлакатида яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат куни ўтган ясалган қамчи билан саваланади», «кимки сулҳ битими билан яшаётган ғайридинни ўлдирса, у жаннатнинг бўйини ҳам ҳидламайди».

Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият енгилмас куч» асарида миллий муносабатларга одилona, оқилona ёндашиш, фуқароларнинг миллий ҳис-туйғуларини, манфаатларини ҳурмат қилиш, бу борада калондимоғликка йўл қўймаслик муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб ўтган эди.

Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатлари сақланиши, ривожланишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир миллат вакиллари ўз маданиятини ривожлантириши, урф-одатларига тўла риоя қилиши, она тилида таълим олиши, илмий ва бадиий асарлар ёзиши мумкин. Ўзбекистонда бу борадаги тадбирларни амалга ошириш заминида инсонпарварлик, байналмилаллик, ижтимоий адолат қоидаларига тўлиқ риоя қилиш билан боғлиқ бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий мезонлар ётади.

Иш юритишда давлат тилига ўтишни сунъий равишда жадаллаштириш, шу асосда миллий муносабатларни кескинлаштириш мақсадга мувофиқ эмас. Ўзбек тилини билиш бошқа миллатларнинг вакиллари иш юритишни шу тилда олиб боришга тайёр бўлди, деган маънони билдирмайди. Сирасини айтганда, ўзбек тилида иш юритишга, барча ҳужжатларни ўзбек тилида тайёрлашга маҳаллий зиёлиларнинг маълум қисми ҳали тайёр эмас. Барча ҳужжатларни ўзбек тилида тайёрлашни русийзабон аҳоли вакилларидан ҳозирнинг ўзидаёқ талаб қилиш, бу ишни уddалай олмайдиганларни мансабидан бўшатиб қўйиш - шошма-шошорлик бўлади. Бу ҳол одамларнинг миллий ҳис туйғусига салбий таъсир этиши, ҳозирги

масъулиятли даврда ижтимоий зиддиятлар кескинлашишига олиб келиши мумкин. Бошқа миллат вакиллари ўзбек тилида иш юритиш малакасига эга бўлиши учун маълум муддат ўтиши керак.

Миллий онг миллатнинг обрўсини, кадр-қимматини ҳимоя қила билишдир. Ўзбекларда қарс икки қўлдан чиқади, деган мақол бор. Бошқа халқларнинг миллий хусусиятини, маданияти, тилини, манфаатларини ҳурмат қилар эканмиз, ўз миллатимизга ҳам шундай адолатли муносабатда бўлишни талаб қилишга ҳаққимиз бор. Русийзабон аҳолининг айрим вакиллари орасида ўзбек тилини менсимаслик кайфиятлари ҳозир ҳам учрайди. Айрим кишилар инглиз, француз, араб, хитой тилларини ўрганаётган бўлса ҳам, ўзбек тилини ўрганишга иккинчи даражали вазифа деб қарамоқда. Бошқа тилларни ўрганиш маънавий камолотнинг омили бўлса, ўзбек тилини билиш ҳам шу тушунча доирасига киради.

Ҳар бир кишининг маънавий камолотида миллатнинг ўтмиши қандай роль ўйнаса, жамият ривожланишида унинг ўмишига бўлган муносабати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўтмиш билан бугунги кун ўртасида диалектикани тўғри белгилаш мамлакат истиқболини олдиндан кўра биллаш имконини беради.

Миллий онгни ривожланишида узоқ ўтмишни ҳам, яқин ўтмиш сабоқларини ҳам ҳисобга олмақ лозим. Тарих узоқ жараён, кечаги кун билан ҳозирги кун эса унинг бир – бири билан бевосита боғланган халқаларидир.

Ижтимоий тараққиётнинг мураккаб бурилиш даврларида баъзан эҳтирос ва ҳиссиётлар ақл – идрокдан устин келиб қолиши мумкин. Бу ҳам жамиятдаги маънавий камол даражасини кўрсатувчи бир ҳол. Ҳар қандай шароитда ҳам тарихий жараёнлар моҳиятини баҳолашга жаҳил билан эмас, балки ақл билан ёндошмоқ зарур.

Ўтмишни баҳолаш уни идеаллаштиришга олиб келмаслиги керак. тарихни, миллий маданият ва миллий хусусиятларни идеаллаштириш ҳаёт ҳақиқатидан узоқлашишдир. Тарихни идеаллаштириш илмий ҳақиқатни излаш йўлидаги бирёқламаликнинг иккинчи томонидир.

Миллий уйғониш жараёни тезлашаётган ҳозирги кунларда бундай

холларнинг кучайишига йўл қўйиб бўлмайди. Ҳозир айрим зиёлилар тарихий воқеаларни ёритишда, шахслар фаолияти ва меросига баҳо беришда, миллий ва диний анъаналар, расм-русумлар, урф-одатларини баҳолашда ҳаддан ташқари бўрттиришларга йўл қўймоқдалар. Бу ҳаракатлар ўткинчи ҳол бўлса-да, тараққиётнинг масъулиятли даврларида ижтимоий ва миллий онг шаклланиши нотўғри йўлдан боришига олиб келади. Биз буюк тарих ва маданиятнинг соҳиби бўлган халқмиз. Шу сабабли тарихни идеаллаштиришга ҳеч қандай эҳтиёжимиз йўқ. Нодирабегим истеъдодли ва бетакрор шоира эди. Унинг мероси ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин бир саҳифасини ташкил этади. Лекин уни етук давлат арбоби сифатида таърифлаш мумкин эмас. Ҳусайн Бойқаро шоир, фан ва маданият ҳомийси бўлгани ҳаммамизга маълум. Лекин у Темур асос солган империяни инқирозга олиб келганлардан биридир. Шайбонийхон ҳам Темурийлар давлатини куч билан истило қилди. Лекин, у ва унинг авлодлари ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт тараққиётига имкониятлар яратди.

Биз бу аждодларимизнинг миллат, мамлакат олдидаги ҳизматини холисона, тўғри баҳолашимиз лозим. Ноўрин бўрттириш ва муболағалар, нафрат ёки севинч туйғулари асосида шаклланган миллий ифтихор боқий бўла олмайди. Бундай ўткинчи бирёқламаликлар маънавий камолот имкониятларидан беҳуда фойдаланишга олиб келади. Миллат ўтмишини, маданиятини асоссиз идеаллаштириш заминида миллий муносабатлар маданиятга бутунлай зид бўлган калондимоғлик ва худбинлик келиб чиқади.

Миллий онг ўтмиш сабоқларини тўғри англаш билан бирга, келажакни ҳам кўра билишга маънавий замин бўлади. Инсон тафаккури, салоҳияти қанчалик кучли бўлса, у ўз келажакига комил ишонч билан қарайди. Етук миллий онг ўтмиш мероси ва анъаналарига кўр-кўрона тақлид қилишни истисно этади. Истиқбол муаммоларига ўтмишдаги тажриба, ишлаб чиқариш шакллари, турмуш тарзи, ахлоқ-одоб мезонларинигана эмас, балки ҳозирги давр имкониятлари, талаб ва эҳтиёжларини ҳам ҳисобга олиб ёндашмоқ керак. Тараққиёт йўлида олға қараб борар эканмиз, ўз ўтмишимизгагина маҳлиё бўлсак, умуминсоний қадриятларни четлаб

Ўтсак маънавий камолот чўққиларига чиқа олмаймиз. Бу борадаги миллий кадриятларимиз маънавиятимизнинг асоси бўлса ҳам, ҳозирги давр талабларига мос келадиган билимли, ишбилармон, юксак ахлоқ ва одобли шахсни тарбиялаш учун етарли бўлмайди.

Ҳозирга кундаги тарққиётимизга деҳқончилик, хунармандчилик ва тижорат ривожини ижобий таъсир этиши шубҳасиздир. Лекин биз доимо миришкор деҳқон, яхши хунарманд, ишбилармон тижоратчилардан иборат бўлган миллат бўлиб қола олмаймиз. Миллатнинг давр руҳига мос келадиган ижтимоий тараққиёти ҳам истиқболимизнинг ҳал қилувчи омиллардандир. Бу, биринчи навбатда, халқнинг миллий онги билан бевосита боғлиқ бўлган муаммодир. Миллат ижтимоий қиёфасининг юксалиши даражаси маънавий камолот имкониятлари билан белгаланadi. Ўтмишга ҳурмат, садоқат кучли бўлса-да, давр руҳига қараб, келажакка интилиш ривожланган миллий онгнинг бевосита ифодаси бўлади. Мустақил Ўзбекистон учун малакали билимли ишчилар, мутахассислар, бошқа мутахассислар, фан ва техникани ривожлантиришга қодир бўлган олимлар ҳам кўпроқ керак. Буларсиз Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантириш асло мумкин эмас. Давр руҳига мос келган миллий ўз-ўзини англаш бу муаммоларни ҳам ўз ичига олади.

Мустақил Ўзбекистонда маънавият, миллий онг ривожланишининг барча муаммоларини тўғри, оқилона ҳал этиш учун жамоатчилик фикрини чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқиш керак. Жамоатчилик фикри - миллий онг ривожини даражасини кўрсатувчи кўзгудир. Истиқлол муаммоларини ёритишда жамоатчилик фикрига эътибор бермаслик субъективизм, волюнтаризм жонланшига шиб келиши мумкин. Дунёдаги барча ривожланган мамлакатларда тараққиёт ва истиқлол билан боғлиқ бўлган муаммоларни амалий ҳал этишнинг чора ва тадбирларини белгилашдан олдин жамоатчилик фикри чуқур ва атрофлича ўрганилади. Социологик тадқиқотлар, омма билан бўлган учрашувлар кўплаб муаммоларни ҳал этишни илмий режалаштириб

олишга имкон беради. Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганувчи марказ ташкил этилиши бу борадаги муҳим кадам бўлди.

Миллий онгни давр руҳига монанд ривожлантиришда бошқа давлатлардаги маданий, маърифий ишлар тажрибасини ҳам чуқур ўрганиш керак. Етук миллий онг соҳиби бўлган миллатгина шундай йўлни танлашга кодир. Бу масалада фақат шарқ мамлакатлари тажрибаси билан чекланиш шарт эмас. Маънавиятимизнинг миллий, шарқона моҳияти доим барқарор бўлиб қолса-да, Ғарб мамлакатларининг бу соҳадаги тажрибасида мавжуд бўлган ижобий жиҳатлар ҳам биз учун ниҳоятда аҳамиятлидир. Ғарб ёшларининг бозор иқтисодиёти шароитида фан ва техника ютуқларини тўла эгаллашга интилиши биз учун ибратли. Албатга, Ғарб мамлакатларининг маънавий ҳаётида бизнинг миллий, диний руҳиятимизга тўғри келмайдиган кўплаб жиҳатлар бор. Ёшларимиз шулар таъсирига берилиб, миллий маънавий кадриятларимиздан бебаҳра бўлиб қолишига ҳам йўл қўймаслик лозим.

Миллий онгни шакллантириш ва ривожлантириш мураккаб, кўп қиррали, доим ақл-идрок билан ижодий ёндашишни талаб қиладиган жараён. Асосий вазифа - бу жараённи оқилона бошқара билишдадир.

2.3. Бошланғич таълим жараёнида шахсни ҳар томонлама ривожлантиришда баркамол тарбия ғоясидан фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари.

Бошланғич таълим босқичида кичик ёшдаги ўқувчиларшахсини ривожлантиришда баркамол тарбия ғояси муҳим ўрин тутди.

Учинчи синфда ўтиладиган «Соҳибқирон Амир Темур бобо», Амир Темурнинг «Куч адолатда» мавзулари баркамол тарбия асосини ташкил этади. Чунки унда ўқувчиларда Амир Темурнинг адолатпарвар, инсонпарвар буюк давлат арбоби эканлиги ҳақидаги билимларни шакллантириш билан бирга, уларда одамларга инсонпарварларча муносабатда бўлиш, очиқ кўнгилилиқ, ишонч ғамхўрлик каби фазилатларни

ривожлантирилади. Шунингдек, бошланғич таълим босқичида «Бобоколониимиз Алишер Навоийнинг ҳикматли сўлари», «Навоий ҳикматлари» каби мавзуларни ўтиш жараёнида кичик ёшдаги ўқувчилар шакллантириш уларнинг баркамоллигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда бадиий адабиётнинг имкониятлари ниҳоятда кенг бўлиб, шоир ва ёзувчиларнинг шахс, инсон, инсонпарварликка бўлган муносабатлари тарбиявий аҳамияти кўрсатилган.

Болалар адабиётини ўрганишда ўқувчиларда маънавий, ахлоқий ва эстетик тасаввурларини шакллантириш, табиат ва жамият ҳақидаги билимларни бойитиш, нафосат ҳиссини тарбиялаш, китобга қизиқишни ўстириш каби баркамол тарбия ғоялари асосида шахсни шакллантириш муҳим ҳисобланади.


Ша муносабат билан тадқиқот иши жараёнида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғояларини шакллантиришда синфдан ташқари машғулотларда мустақил китоб ўқиш, бадиий асарда ифода этилган инсонпарварлик масалаларини ажрата билаш, мазмунини ўзлаштириш, эркин қайта ҳикоя қилиш, режа тузиш кабилар ҳақида кўникма ва малакаларни таркиб топтириш вазифаларини амалга ошириш шахсни ҳар томонлама ривожлантиради.

2 синфда Пўлат Мўмин, Турсунбой Адашбоев асарлари мисолида ўқиш машғулотлари жараёнида ўқувчиларда бадиий асарларни мазмун моҳиятини ўзлаштириш ва бунинг натижасида баркамол тарбия ҳақидаги билим ва кўникмалар шакллантирилди ва такомиллаштирилди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда бадиий адабиётнинг ўрни, роли ва аҳамияти аниқланди. Ўқувчиларнинг бадиий адабиётга доир билимлари ривожлантирилди. Синфдан ташқари машғулотларда улардан фойдаланиш йўллари ишлаб

чиқилди. Бунинг натижасида бадиий адабиёт тарбияланувчининг ҳам хиссийётига, ҳам қалбига, ҳам эътиқодига, ҳам тушунчасига, дунёкарашига бир йўла таъсир этиши билан ажралиб турди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бадиий адабиётда тарихий-бадиий асарлар ҳам шахс камолотини шакллантиришда катта имкониятга эга. Шунинг учун ҳам бошланғич таълим жараёнида бадиий адабиётнинг тарбиявий имкониятларидан изчил фойдаланиш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг оғзаки нутқ маданиятини шакллантиришнинг омиллари ҳисобланади шу жihatдан ҳам бадиий адабиёт вакиллари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Адҳам Раҳмат, Пўлат Мўмин асарлари асосида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ўқувчиларнинг интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жihatдан тарбиялашда уларда Ватанга муҳаббат, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституция ва Давлат рамзларига саодат хисларини шакллантиради. Умуминсоний кадриятларга хос бўлган хусусиятларни камол топтиради. Турли миллат вакиллари ва ҳурмат ва хайрихоҳлик маданиятини ривожлантиради.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда тажриба синов ишлари давомида ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришнинг тизими ва уларнинг мазмунини ўқувчиларга қуйидагича тавсия қилдик.



Албатта бу тизимни амалга ошириш учун ҳар бирининг мазмуни ҳақида ўқувчиларга тушунча берилди.

Ушбу машғулотларда, энг пассив ўқувчилар ҳам дарсда фаол қатнашишлари таъминланди. Бунда шахсни шакллантиришда баркамол тарбия ғоясини амалга ошириш, муҳокама қилиш, афзалликлари, камчиликлари кабиларга аҳамият берилди. Машғулотнинг тарбиявий мақсади дўстлик, меҳр-муҳаббат, одамийлик каби баркамол тарбия фазилатларини тарбиялаш, маънавий-ахлоқий дунёқарашни шакллантириш, жамоага киришиб кета олиш қобилиятини, баркамол инсон бўлиб вояга етишга эътибор берилди.

Ўқувчиларда баркамол тарбия шакллантириш асосан «Одобнома», «Ўқиш» дарсларида амалга оширилди.

Биз тадқиқот жараёнида мазкур фанларни бу борадаги имкониятларидан етарли даражада ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик.

Ўқитиш жараёнида ўқувчилар онгида баркамол тарбия ғоясини шакллантириш, билимларни чуқурлаштириб бориш фаолиятини ташкил этишнинг дастлабки кўникмаларини ҳосил қилиш учун педагогик шарт-шароит яратилди.

Бунда «Ўқиш» дарслари асосида ўқувчиларга баркамол тарбия ғояси ҳақидаги билимлар берилди. Ўқувчилар онгида шахсни шакллантириш ва ривожлантириш мақсади ҳамда вазифалари белгиланди.

Муайян ўқув предмети доирасида баркамол тарбия ғоясини изоҳлаш, ифодалаш уссуллари ва воситалари танланди.

Ўқувчиларнинг баркамол тарбия ғоясига доир тасаввурларини, назарий билимларини ва уларни амалга ошириш кўникмаларини мустаҳкамланди.

Ўқувчиларнинг ўзлаштирган билимлари, амалий кўникмалари даражаси назорат қилинди.

Тажриба-синов жараёнида ўқувчилар томонидан баркамол тарбия

ғояси тушунчаларининг ўзлаштириш даражаси аниқланди.

Ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантириш натижасида меҳр-муҳаббат, мурувват ва оқибат, саҳийлик, саҳоват, диёнат, каноат, ҳиммат, адолат, сабр-тоқат, меҳрибонлик, ростгўйлик фаҳм-фаросатлилик, зийраклик каби маънавий хусусиятлар таркиб топди. Баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ҳақидаги билим ва дунёқараш ривожланиб борди.

Тажриба ишлари жараёнида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Машғулотларга ўқувчилар олдиндан пухта тайёргарлик кўрдилар.

Тажриба машғулотларида- баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ва уларни амалий фаолиятга тадбиқ қилишда ўқувчилар пухта тайёргарлик кўрдилар.

Тажриба машғулотларида- баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ва уларни амалий фаолиятга тадбиқ қилишнинг аслий мақсади-ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражасини оширишдан иборат эди. Тажриба синовларда, энг аввало, «Ўқиш», «Одобнома» каби машғулотларда баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ишлари кучайтирилди. Шу асосда инсонпарварлик машғулотларнинг мавзу ва мазмунида умуминсоний ва маънавий қадриятларни ўрганишга эътибор қаратилди. «Ўзбекистон-Ватаним маним», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Инсофли бўлиш-халқимизнинг одати», «Иймонли киши пок киши», «Меҳмондўстлик ўзбек халқининг одати», «Инсонпарварлик бу адолатпарварлик», «Меҳнат кишини улуғлайди» каби мавзуларда синфдан ташқари машғулотлар ўтказилди.

Кўп йиллик олиб борган тадқиқот ишимиз ўз натижасини кўрсатди.

Тажриба ишларидан олдин ва кейин бошланғич синф ўқувчиларининг дарс жараёнида баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ҳақидаги умумлашган қиёсий маълумотлар келтирилди. Таҳлилий маълумотлар шундан далолат берадики, тажриба синфлари ўқувчиларнинг 88% дан ортиғи баркамол тарбия ҳақидаги билимларни эгаллашга, уларнинг дунёқарашини

кенгайтиришга имкон берди.

Биз олиб борган педагогик тадқиқот ишларида баркамол тарбия ҳақидаги тушунчалар, ақлий, ахлоқий кўникмалар кичик ёшдаги ўқувчиларида комил топди.

Унда синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган ахлоқий мавзудаги суҳбатлар, китоблар кўргазмаси, адабий эрталиклар, китобхонлик анжуманлари, қизиқарли савол-жавоб ўйинларни ташкил қилишнинг йўлларини, шакл-усуллари таҳлил этилган. Педагогик илмий тажриба ишлари икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич-қайд этувчи илмий-тажриба бўлиб, бунда бошлангич синф ўқувчиларини ахлоқий тарбияланганлик даражасининг амалиётдаги ҳолати ўрганилди. Бошлангич синф ўқувчиларининг ахлоқий тарбияланганлик кўрсаткичлари ва мезонлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

А. Ватанпарварлик Ўзбекистонни севиш, унга содиқлик; мамлакатимизнинг ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида билимга эгалик; Ўзбекистон, ўзбек халқининг қаҳрамонларини, уларнинг ҳизматларини билиш; Ўзбекистон давлат рамзлари ва байроғини билиш.

Б. Дўстлик, ўртоқлик сифатларини тушуниш; дўстликни қадрлай билиш; дўстига ҳар доим ёрдам бериш; дўстига ҳар қандай шароитда ҳам ҳамдам бўлиш; дўсти учун ўз манфаатидан ҳам кеча билиш.

В. Ростгўйлик-ҳар доим тўғри сўзлаш, рост гапириш; ҳар қандай ҳолда ҳам тўғри бўлиш; ростгўйлик ва ёлғончиликнинг фарқларини ажрата; билиш; ростгўйликка яхши, ёлғончиликка ёмон муносабатда бўлиш.

Г. Устоз, ота-она ва қавму қариндошларга ҳурмат, эҳтиром, уларни қадрлаш; ўз оиласи, қавму қариндошлари ва устозини севиш; устоз, оила ва қавму қариндошлари шаънини, обрўсини сақлаш; уларга эътиборли бўлиш; устоз, ота-она ва қавму қариндошларга меҳрсизликка ва уларни обрўсизлантирадиган ишларга қарши кураша олиш. Д. Илму

маърифатлилик-илму маърифатни севиш, унга интилиш; илмлилик ва илмсизлик ўртасидаги фарқни англаш; маърифатлиликка яхши, маърифатсизликка ёмон муносабатда бўлиш; маърифатсизликка қарши кураша олиш.

Е. Шафқат ва марҳамат. Инсонларга шафқатли ва марҳаматли бўлиш; шафқат ва шафқатсизлик, марҳамат-марҳаматсизлик тушунчаларини фарқлай билиш; ўзбек халқи шафқат ва марҳаматли халқ, эканлигини билиш; шафқатсизликка, марҳаматсизликка салбий муносабатда бўлиш.

Ж. Саҳийлик. Саҳоватпешалик инсонларга хос фазилат; исроф ва бахилликка қарши муносабатда бўлиш. Ўзбек халқининг саҳоватпешалигини англай олиш; саҳийлик, бахиллик ва исрофгарчиликнинг фарқини ажрата билиш. Юқоридаги кўрсаткич ва мезонлардан келиб чиқиб, ўқувчилар ўртасида ўтказилган анкета саволларига олинган жавобларга қараб бошлангич синф ўқувчиларида ахлоқий фазилат ва ҳислатларни тушуна билиши, уларни мазмун ва моҳиятини англаш даражасидаги ўзгаришларни белгилаш учун, уларни уч даражага ажратдик: Биринчиси - юқори даражага: ватанпарвар, ростгўй, саҳий, дўстнинг яхши ва ёмон кунларида у билан бирга бўла оладиган, меҳр-шафқатли, устоз, ота-она ва қавму қариндошларини ҳурмат қила оладиган, илму маърифатни сеувчи ўқувчиларни киритдик.

Иккинчиси - ўрта даражага: ватанни нима учун севишнинг маъноси ва моҳиятини юзаки тушунадиган; манфаат юзасидан дўст, ўртоқ, бўладиган; зарурат туфайли саҳийлик қиладиган; устоз, ота-она ва қавму-қариндошларини номигагина ҳурмат қиладиган; илму маърифатли бўлишга унчалик ҳам қизиқмайдиган ўқувчиларни киритдик.

Учинчиси - қуйи даражага: ватанни фақат бойликлари учун севадиган; саҳийлик, меҳр-шафқат ва марҳамат, дўстлик, ўртоқлик фазилатларининг мазмуни, моҳиятини тушуниб етмаган, бу фазилатларга амал қилмайдиган; ёлғон гапирадиган, илму маърифатни

севмайдиган, устоз, ота-она ва қавму қариндошларини ҳурматлаш лозимлигини тушуниб олмаган ўқувчиларни киритдик.

Педагогик илмий-тажриба ишлари натижасида бошланғич синф ўқувчиларининг ахлоқий тарбияланганлик даражаларини ўзгариши қуйидагича бўлди.

1-жадвал

Ўқувчиларда ахлоқий фазилатлар ўзгариб

Бориши тажриба боши ва охирида:

№	Ахлоқий кўрсаткичлар	Қатнашувчилар сони	Тажриба гуруҳлари			Назарат гуруҳлари		
			Юқори	Ўрта	Қуйи	Юқори	Ўрта	Қуйи
А.	Ватанпарварлик	100	10	26	60	8	28	64
		100	52	28	20	12	34	54
Б.	Ростгўйлик	100	10	28	62	10	36	54
		100	42	40	18	18	44	38
Г.	Устоз, тоа-она ва қавму қариндошларга ҳурмат	100	16	40	44	20	42	38
		100	48	34	18	28	46	26
Д.	Илму маърифатлилик	100	20	42	38	18	40	42
		100	42	44	14	26	44	30
Е.	Шафқат ва марҳамат	100	6	30	64	4	38	58
		100	32	40	28	8	48	44
Ж.	Саҳийлик	100	6	42	12	14	46	40
		100	38	50	12	14	46	40
			10,3	35,7	54	10,6	38	51,4
			42,8	39,2	18	16,6	44	39,4

Тажриба охирига келиб ўқувчиларнинг жавоблари тажриба гуруҳларида тез ўсишни кўрсатса, назорат гуруҳларида деярли бу ҳолни кўрмаймиз (жадвалга қара). Масалан, ўқувчиларнинг ахлоқий

тарбияланганлик даражалари назорат гуруҳларида қатнашганларнинг саволларга жавоблари тажриба бошида юқори, ўрта, қуйи даражалар бўйича 10,6; 38; 51,4 фоизда бўлса, тажриба охирига келиб 16,6; 44; 39,4 фоизни ташкил қилди. Тажриба гуруҳларида тажриба бошида юқори, ўрта қуйи даражасида жавоб берган ўқувчилар миқдори 10,3; 35,7; 54 фоизни ташкил қилган бўлса, тажриба охирига келиб 42,8; 39,2; 18 фоизни ташкил қилди. Бу илмий-тадқиқотнинг фарази, тажриба ўтказиш методикаси тўғри танланганлигини, тажриба натижалари самарали бўлганлигини кўрсатади.

Бошланғич синф ўқувчиларида баркамол тарбия баркамол тарбия ҳолатини шаклландирганининг миқдорий ва сифатий ўзгаришларини ифода этувчи маълумотларини таҳлил қилиб улардан тегишли хулоса чиқариш мақсадида математик статистика усулларида фойдаландик. Бунинг учун «юқори», «ўрта» ва «паст» даражаларини шартли равишда «5», «4» ва «3» балларга алмаштириб, уларни назорат гуруҳлари учун X ва тажриба гуруҳлари учун эса Y орқали белгилаб олдик. Бу гуруҳлардаги ўқувчилар сонларини эса n ва m лар орқали белгиладик. Натижада биз қуйидаги статистик тенгламаларга эга бўлдик:

Тажриба бошида:

$$\left\{ \begin{array}{l} X_1; 3, 4, 5. \\ n_1; 59, 21, 27, (n = 107) \end{array} \right. \quad \left\{ \begin{array}{l} Y_1; 3, 4, 5. \\ m_1; 51, 20, 30, (m = 101) \end{array} \right.$$

Тажриба охирида:

$$\left\{ \begin{array}{l} X_1; 3, 4, 5. \\ n_1; 36, 29, 39, (n = 104) \end{array} \right. \quad \left\{ \begin{array}{l} Y_1; 3, 4, 5. \\ m_1; 13, 29, 56, (m = 98) \end{array} \right.$$

Ушбу статистик тенгламалар бўйича ўртача ўзлаштиришлар фоизларда тажриба бошида $\bar{x} \% = 74\%$ $\bar{y} \% = 76\%$ ларни ташкил этган бўлиб, улар унча фарқланмаган. Бу ҳатоликлар тажриба охирида $\bar{x} \% = 80\%$; ва $\bar{y} \% = 88,8$ лардан иборат бўлиб, y тажриба гуруҳлари сезиларли даражада 12,8%га

ортганлигини кўрсатади. Диссертация ишини назорат ва тажриба гуруҳлари учун ўрта қиймат яқинлиги катталиклари C_x ва C_y лар ҳам ҳисобланган бўлиб, бу аниқлик тажриба охирида гуруҳлар учун назорат гуруҳларидагидан 1,5 баробар юқори эканлиги аниқланди. Бундан ташқари ҳар икки гуруҳларда баҳолаш усуллари мос келган F_x ва F_y тақсимот конунлари тенглиги ҳақида

$$H_y : F_x = F_y$$

Илмий фаразнинг тўғри эканлиги Пирсон статистикаси ёрдамида аниқланди.

Юқорида олиб борилган статистик таҳлил шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳларида баркамол тарбия ғоясини шаклланиши назорат гуруҳларидагидан сезиларли даражада юқори бўлиб, бундай фарқланиши тасодифий қонунийдир. Бу эса эксперимент самарадорлигини ифодалайди.

Бунинг натижасида:

1. Баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ҳақида тушунчалар-ҳаётий ва амалий мазмундан иборат бўлиб, ўқувчилар ҳаётидан чуқур ўрин олди.
2. Кичик ёшдаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантириш натижасида дўстлари, ўртоқлари, ота-оналари ва бошқа кишиларнинг ҳаётида ва жамиятда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш ва унинг оқибатларини олдиндан кўра билиш, турли вазиятларга тўғри ёндошиш ва уни ҳар томонлама ижобий ҳал қилишнинг энг қулай усулларини топиш, кундалик ҳаётидаги воқеаларни ота-оналарига, устозларига айтиш ва уни таҳлил қилиш, бу ҳақида мунозара юрита билиш кабилар ривожланиб борилади.
3. Баркамол тарбия ғоясини шакллантириш натижалари ўз Ватани ва халқи ҳаётини ўрганиш ва муҳофаза қилиш бўйича ишларни бажариш, ахлоқ-одоб қоидаларига роия қилиш кабиларда намоён бўлди.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Ушбу бобда баркамол тарбия ғоясининг хусусиятлари ишлаб чиқилган унда ватанпарварлик туйғусининг шаклланиши ва ривожланиши она юртимизда тинчлик, барқарорлик ва осойишталикни сақлашга интилиш, ҳалол, ижодий, фидокорона меҳнат қилиш ва ватан бойлигига бойлик, қудратига қудрат қушиш, халқаро муносабатларда ватан, миллат манфаатларини биринчи ўринга қўйиш, ҳарбий ватанпарварлик анъаналарига содиқ бўлиш, ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масалалари илмий педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Ушбу бобда кичик ёшдаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда «Ўқиш» ва «Одобнома» фанларининг имкониятлари илмий педагогик жиҳатдан ишлаб чиқилган.

Баркамол тарбия ғояси асосида ўқувчиларда маънавий, ахлоқий билимларни шакллантириш, табиат ва жамият ҳақидаги билимларни бойитиш, китобга қизиқишни ўстириш каби тарбиявий жиҳатлари, мавзунинг ранг-баранглиги, уларнинг қизиқишлари ҳисобга олинди.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда синфдан ташқари машғулотларда уларнинг билимлари ривожлантирилди. Синфдан ташқари машғулотларда улардан фойдаланиш йўллари ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида тарбияланувчининг ҳиссийётига, ҳам қалбига, эътиқодига, дунёқарашига таъсир этилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бадиий адабиётда тарихий-бадиий асарлар ҳам шахс камолотини шакллантиришда катта имкониятга эга. Шунинг учун ҳам бошланғич таълим жараёнида «Ўқиш» ва «Одобнома» фанларининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланилди.

Машғулотнинг тарбиявий мақсади дўстлик, меҳр-муҳаббат, одамийлик каби инсоний фазилатларни тарбиялаш, маънавий-ахлоқий дунёқарашни шакллантириш, жамоага киришиб кета олиш қобилияти, тарбиялашга эътибор берилди.

«Ўқиш» дарслари асосида ўқувчиларга баркамол тарбия ғояс ҳақидаги

билимлар берилди. Ўқувчилар онгида баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ва ривожлантириш мақсади ҳамда вазифалари белгиланди.

Ўқувчиларнинг баркамол тарбия ғоясига доир билимлари ва уларни амалга ошириш кўникмалари мустаҳкамланди.

Ўқувчилар ўзлаштирган билимлар, амалий кўникмалар даражасини назорат қилиш ва баҳолаш ўзлаштириш даражалари аниқланди.

Тажриба машғулотларида- баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ва уларни амалий фаолиятга тадбиқ қилишда «Ўқиш», «Одобнома» каби фанлар машғулотлари амалга оширилди. Машғулотларда баркамол тарбия ғоясини ўрганиш назарда тутилди. Бу машғулотларнинг мавзуси ва мақсади, мазмуни, ўтказилиш тартиби иккинчи бобда ўз ифодасини топган. «Ўзбекистон-Ватаним маним», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Инсофли бўлиш-халқимизнинг одати», «Иймонли киши пок киши», «Меҳмондўстлик ўзбек халқининг одати», «Инсонпарварлик бу адолатпарварлик», «Меҳнат кишини улуғлайди» каби мавзуларда синфдан ташқари жараёнда машғулотлар ўтказилди.

Умумий хулоса ва тавсиялар

1. Бошланғич таълим босқичи 1-4 синф ўқувчиларида баркамол тарбия ғоясини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари, тизими, уни ўқув тарбия жараёнида амалга ошириш мазмуни назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди.

2. Ўқув фаолияти жараёнида ўқувчиларга баркамол тарбия ғоясини шакллантиришнинг педагогик хусусиятлари яратилди.

3. “Ўқиш”, “Одобнома” ўқув предмети бўйича машғулотларида ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантириш ҳолати тажриба ва синов сифатида текшириб кўрилди.

4. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантириш изчиллик, илмийлик, кўрсатмалилик, тушунарлилик, ишонарлилик, назарий ва амалиёт бирлиги каби тамойиллари негизида таъминланди.

5. “Ўқиш”, “Одобнома” ўқув фанида ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясининг шаклланганлиги ва уларнинг дарсдан ташқари машғулотлардаги фаолиятлари ошганлиги аниқланди.

6. Бошланғич таълим босқичи 1-4 синф ўқувчиларида баркамол тарбия ғоясини шакллантириш имкониятларидан унумли фойдаланилди.

Олиб борилган тадқиқот ишимиз натижаларига асосланиб қуйидаги тавсияларни тақдим этиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришнинг мақбул тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этиш;

- ҳақиқий ватанпарвар ва инсонпарвар, бор имкониятини юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида ҳизмат қилишдан аямайдиган маънавий баркамол инсонни шакллантиришга доир методик мажмуалар, ахборот-кўргазмали материаллар яратиш;

- бошланғич таълим фанлари мазмунига баркамол тарбия ғоясини сингдириш;

- ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини шакллантиришга қаратилган илғор педагогик технологияларнинг замонавий метод ва усуллари излаб топиш ва амалиётга жорий этиш;

- ўқувчиларда инсонпарварликни шаклланганлик даражалари ҳамда маънавий шаклланиб бориш мониторингини яратиш. Ўқувчилар томонидан берилаётган билимнинг ўқувчилар томонидан қай даражда ўзлаштирилаётганлигини доимий назорат қилиб бориш;

- бошланғич таълим жараёнида ўқувчи шахсида баркамол тарбия ғоясини шакллантиришда узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш;

- педагогика йўналишидаги олийгоҳларнинг бошланғич таълим факультетида “Ўқувчиларда баркамол тарбия ғоясини” шакллантириш махсус курсини жорий қилиш;

- республика ва вилоят малака ошириш институтларида “Бошланғич мактаб ўқувчиларида баркамол тарбия ғоясини шакллантириш” махсус курси ташкил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. “Юксак маънавият енгилмас куч” Т. Маънавият 2008 й.
2. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Т.Ўзбекистон 2009 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. -Т.:Ўзбекистон,1992 й 62 б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. “Шарк” нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1997 й. – 63 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барақарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997 й. -326 б.
6. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1992 й. -79 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни: Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997 й.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар миллий дастури»: Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т., 1997 й.
- 9.Каримов И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995 й. -269 б.
- 10.Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996 й. - 380 б.
- 11.Каримов. И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 жилд. -Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1996 й.
13. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4 жилд. -Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1996 й.
14. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. -Т.: Ўзбекистон, 1996 й. -387 б.

15. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5 жилд. -Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1997 й.
16. Каримов И.А. “Жамиятимиз мафқураси халқни - халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин”. Тафаккур журнали бош муҳаррири саволларига жавоблари. 1998 й. 2 с.
17. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан 6- жилд. - Т.: Ўзбекистон нашриёти, 1998 й.
18. Мавлонова Р. Тўраев О. ва бошқалар. Педагогика. Т. Ўқитувчи. 2002 й. 387 бет.
19. Юсупов Э. “Инсон камолотининг маънавий асослари” Т. “Университет” 1998 й.
20. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. Ўзбекистон. 2000 й. 80 бет.
21. Нишонова С. Комил инсон тарбияси. Т. Истиқлол. 2003 й. 224 бет.
22. Фитрат Абдурауф. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Масъул муҳаррир: Д.Алимова таржимаси. Ш.Воҳидов. Т. Маънавият. 1998 й 112 бет.
23. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. – Т.: ТДПУ, 2006. – 98 б.
24. Мавлонова Р.А., Раҳманқулова Н.Х. Бошланғич таълимда инновация. – Т.: ТДПУ, 2007. – 177 б.
25. Қурбонов М. Мактаб маънавияти ва миллий тарбия. Т. ФАН. 1995 й 118 бет.
26. Иномова М.О. Фарзанд – ниҳол, ота – она – боғбон. Т. Ўқитувчи. 1993 й. 54 бет.
27. Маҳкамов У.И. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. Т.ФАН. 1995 й. 200 бет.
28. Қуронов Муҳаммад Миллий тарбия. Т. “Маънавият” 2007 й.
29. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаравон ҳаёт-пировард мақсадимиз”. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

30. “Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари”. – Тошкент: Фан, 1990, – 72 б.
31. А.Авлоний. “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” (нашрга тайёрловчи Холиқов Л.) –Тошкент: Ўқитувчи, 1992. 160 б.
32. Йўлдошев Ж.Ғ. Хасанов С. “Авестода ахлоқий-таълимий қарашлар”. – Тошкент: Ўқитувчи 1992, – 28 б.
33. Кайкавус. “Қобуснома”. – Тошкент: Ўқитувчи 1986, – 118 б.
34. Мунавваров А.К. “Оила педагогикаси”. – Т.: Ўқитувчи, 1994, – 112 б.
35. Очилова М. “Ахлоқий тарбия”. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979, – 232 б.
36. Жўраев А.Ж. Тарбиявий дарсларни ўтиш. Т.: “Ўқитувчи”, 1994.
37. Мирқосимов М. Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари. Т.: 1996 й.
38. Очил С. Мустақиллик ва тарбия масалалари. Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
39. Мавлонова Р.А. Бошланғич таълимнинг интеграциялашган педагогикаси. – Т.: ТДПУ, 2006. – 98 б.
40. Мавлонова Р.А., Раҳманқулова Н.Х. Бошланғич таълимда инновация. – Т.: ТДПУ, 2007. – 177 б.
41. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолатлари. -Т. Шарқ, 1993 й. -30 б.

